

~~ARTICLE 19~~



Ўзбекистон: Оммавий Ахборот Воситалари ҳақидаги Қонун

2019 йил феврал

Ҳуқуқий таҳлил

ARTICLE 19

Фри Ворд Маркази
Фаррингдон Роуд, 60
Лондон
EC1R3GA
Бирлашган Қироллик

Тел: +44 20 7324 2500
Факс: +44 20 7490 0566
Электрон почта: info@article19.org
Веб сайт: www.article19.org
Тв: [@article19org](https://www.instagram.com/article19org)
Fb: [facebook.com/article19org](https://www.facebook.com/article19org)

ISBN: 978-1-910793-25-1

© ARTICLE 19, 2019

Ушбу мақола Creative Commons Attribution-Non-Commercial-Share Alike 2.5 лицензияси асосида тақдим этилган. Сиз ушбу мақоладан нусха кўчиришингиз, тарқатишингиз ва намойиш қилишингиз ва сизга тақдим этилган шартлар асосида дериватив ишлар тайёрлашингиз мумкин:

- 1) ARTICLE 19 га кредит бериш;
- 2) ушбу ишни тижорат мақсадида ишлатмаслик;
- 3) ушбу нашр асосида тайёрланган ҳар қандай мақолани шунга ўхшаш лицензия бўйича тарқатиш.

Ушбу лицензия бўйича тўлиқ қонуний матндан фойдаланиш учун:
<http://creativecommons.org/licenses/by-nc-sa/2.5/legalcode> саҳифасига ташриф буюринг.

ARTICLE 19 ушбу ҳисоботдаги маълумотлар асосида тайёрланган ҳар қандай материалнинг нусхасини олишидан миннатдор бўлади.

Умумий маълумот

2019-йил февралда ARTICLE 19 Ўзбекистон Ҳукумати томонидан 2007 йил январ ойида қабул қилинган ва 2018 йил апрелида ўзгартириш киритилган “Оммавий Ахборот Воситалари тўғрисида”ги Қонунни (Оммавий Ахборот Воситалари тўғрисидаги Қонун) сўз эркинлиги халқаро стандартларига мувофиқлигини таҳлил қилди.

Article 19, 2016 йилда Шавкат Мирзиёев хоки миятни 2016 йил декабрида эғалаганидан кейин инсон ҳуқуқлари бўйича вазият яхшиланиши ҳамда инсон ҳуқуқлари халқаро стандартларга зид қонунларни ислоҳ қилиш бўйича Ўзбекистон ҳукуматининг олган мажбуриятини қўллаб қувватлайди. Биз Ўзбекистон ҳукуматини сўз эркинлиги билан боғлиқ барча қонун ҳужжатларини зудлик билан қайта кўриб чиқишга ва унга тегишли ўзгартиришлар киритишга чақирамиз. Биз ушбу Қонуннинг қайта кўриб чиқиши ислоҳотларнинг асосий қисми сифатида баҳоланиши кераклигига ишонамиз.

Таҳлилда ARTICLE 19 Оммавий Ахборот Воситалари қонунчилигида оммавий ахборот воситалари эркинлигини ҳимоя қилиш, манбаларни ҳимоя қилиш ва ахборот олиш ҳуқуқи каби баъзи ижобий хусусиятлар мавжудлигини курсатиб кетган. Шу билан бирга, умуман олганда Оммавий Ахборот Воситалари тўғрисидаги қонун халқаро ҳуқуқда кўзда тутилган сўз эркинлиги ҳуқуқини мувофиқ ҳимоя қилиш ва қўллаб қувватлашни таъминламайди. Биринчидан, ОАВ қонуни оммавий ахборот воситаларининг барча йўналишлари ва соҳаларини тартибга солишга уринади, ҳатто масалан, оммавий ахборот воситалари, босма ва онлайн медиаларни тартибга солиш учун турли режимларга эҳтиёж бўлса ҳам. Бошқа асосий қийинчиликлар мукамал таркибий чекловларни ўз ичига олади, масалан, оммавий ахборот воситаларига тузатишлар ёки жавобларни нашр қилиш учун ҳаддан ортиқ мажбуриятларни юклайди ва давлат органларига муайян материалларни нашр этишни буйуриш ҳуқуқини беради.

ARTICLE 19 Ўзбекистон Ҳукуматини Оммавий Ахборот Воситалари тўғрисидаги Қонунни бекор қилиш ёки тубдан қайта кўриб чиқишга чақиради. Шунингдек, биз мамлакатда сўз ва ахборот эркинлигини ҳимоя қилишни такомиллаштиришга қаратилган ислоҳотларни амалга оширишда ёрдам бериш учун барча манфаатдор томонларни қўллаб-қувватлаймиз.

Таклифларнинг қисқача баёни

- Ўзбекистон сўз эркинлиги билан боғлиқ қонунчиликни тўлиқ баҳолаши ва барча қонунлар унга тўлиқ мос келишини таъминлаши керак. Қонунчилик, сўз

эркинлигининг ҳар қандай чеклови халқаро инсон ҳуқуқларининг уч қисмли критерийларга қатиян юзланишини таъминлаши керак.

- Ўзбекистон ўзининг адлия тизимини тўлиқ мустақил ва мамлакатдаги барча инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун етарли ресурсларга эга бўлишини таъминлаши керак. Адлия тизими барча қонунларни инсон ҳуқуқлари ва сўз эркинлигининг халқаро стандартларга мувофиқ шарҳлаши керак. Бунга рухсат берувчи қоидалар аллақачон миллий қонунчиликнинг бир қисми бўлиши керак.
- Оммавий Ахборот Воситалари тўғрисидаги Қонунни сақлаб қолиш доирасида, у ўз мақсадини сўз ва ахборот эркинлигини рағбатлантириш эканини эълон қилиши керак. Айниқса, у ўз мақсадини оммавий ахборот воситаларининг сўз эркинлиги ҳуқуқига мувофиқ равишда таъминлаш эканлигини эълон қилиши керак. Қонун, оммавий ахборот воситаларининг асосий вазифаси - янгиликларни эълон қилиш ва ҳукумат устидан жамоат кузатувчиси сифатида ҳаракат қилиш эканлигини аниқ билиши керак, давлат, унинг органлари сўз эркинлиги ҳуқуқини амалга оширишга тўсқинлик қилишда доимо кам чекловчи воситалардан фойдаланишларини талаб қилишлари керак. Оммавий Ахборот Воситалари тўғрисидаги Қонуннинг ижобий томонлари хусусан, цензурани тақиқлаш ва оммавий ахборот эркинлиги қоидалари, сақлаб қолиниши ва амалда тўғри татбиқ этилиши керак;
- Ҳар қандай оммавий ахборот воситаларига таалуқли қонун бир томондан босма ва Интернетга асосланган оммавий ахборот воситалари ва бошқа томондан эфирга узатувчи оммавий ахборот воситаларини ажратиши, ва фақатгина эфирга узатадиган оммавий ахборот воситаларига нисбатан қўлланиладиган тартибга солувчи нормалардан иборат булиши керак. 4-модда ва 21-моддага мувофиқ оммавий ахборот воситасининг таърифини ўзгартириш керак;
- Оммавий Ахборот Воситалари тўғрисидаги Қонунда ҳеч қандай таркибни чекловчи нормалар бўлмаслиги керак. Агар маълум бир тоифадаги баёотнои эълон қилиш сўз эркинлигини чеклашни оқлаш учун етарли хавф туғдирса, бу баёноат тарқатилишидан қатъий назар, чеклов қўлланилиши керак. Натижада, чеклов умумий қўлланиладиган қонунга киритилиши керак. Оммавий Ахборот Воситалари тўғрисидаги Қонуннинг 6-моддаси бекор қилиниши керак.
- Оммавий Ахборот Воситалари тўғрисидаги Қонуннинг 8-моддасига ҳар ким ўз хоҳиши бўйича ҳар қандай гуруҳ ёки шахс билан биргаликда нашр этиш ҳуқуқига эга эканлиги тўғрисида аниқлик киритилиши учун ўзгартириш киритилиши керак;
- 2-бобдаги оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги қоидалар бекор қилиниши керак. Агар чеклаш ва соф техник

регистрация режимига эҳтиёж пайдо бўлса, унинг асосий элементлари ушбу таҳлилда баён этилган тамойилларга асосланган бўлиши керак;

- Оммавий Ахборот Воситалари тўғрисидаги Қонуннинг 3-банди ва 25-29-моддалари, 31-моддаси ва 35-моддаси бутунлай бекор қилиниши керак;
- Оммавий Ахборот Воситалари тўғрисидаги Қонуннинг оммавий ахборот воситалари концентрацияси тўғрисидаги қоидалар ушбу соҳадаги мавжуд халқаро ва минтақавий стандартлар асосида диққат билан ўрганиб чиқилиши ва кенгайтирилиши керак;
- Манбалар махфийлигини ҳимоя қилиш қоидаси мажбурият эмас, балки ҳуқуқ сифатида қаралиши керак. У профессионал ёки мунтазам ахборот тарқатишда қатнашадиган ҳар бир кишига нисбатан қўлланилиши керак. Оммавий Ахборот Воситалари тўғрисидаги Қонун, манбаларнинг махфийлигига чеклашлар халқаро сўз эркинлиги меъёрларига мос келишини таъминлаши керак;
- Жавоб бериш ва тузатиш ҳуқуқи, оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун билан эмас, балки ўз-ўзини бошқариш механизмлари билан тартибга солиниши керак. Альтернатива сифатида “тузатиш” ни нашр қилишдан бош тортиш тўғрисида қоида ва ҳуқуқ қоидаларига аниқлик киритилиши керак. Жавоб бериш ва тузатиш ҳуқуқлари ажратилиши ва чекланиши керак. Хусусан, агар аризанинг нашр этилиши қонуний манфаатдорлик билан асослантирилган бўлса, жавоб бериш ҳуқуқи берилмайди;
- Ўзбекистон кенг қамровли эркин ахборот олиш тўғрисидаги қонунни қабул қилиши керак. Шу билан бир қаторда, Оммавий Ахборот Воситалари тўғрисидаги Қонунга ҳар бир инсон ахборотдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиш кераклигини назарда тутадиган ўзгартиришлар киритиш керак. Ахборотдан фойдаланиш бўйича чеклашлар халқаро стандартлар талабларига жавоб бериши керак;
- Оммавий ахборот воситалари аккредитацияни фақатгина агар жой камлиги сабабли барча истак билдирган журналистлар йиғилишга қатнашиши ёки муайян орган фаолиятини назорат қила олмаслиги сабабли талаб қилишни кафолатлаш зарур. Қонунда аниқ аккредитация қоидалари сингари аккредитация қилишни ўзбошимчалик билан рад этишга қарши кафолатлар берилиши керак. Аккредитация мустақил ташкилот масалан, журналистлар уюшмаси томонидан назорат қилиниши керак, ва журналистларга аккредитацияни рад этилиши бўйича судга шикоят қилиш ҳуқуқи берилиши керак.

Мундарижа

Умумий маълумот	1
Кириш	5
Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартлар	7
Халқаро ҳуқуқда сўз эркинлигини ҳимоя қилиш	7
Сўз эркинлигига ҳуқуқий чекловлар	8
Оммавий Ахборот Воситаларини тартибга солиш	9
Ўзбекистон Конституцияси	11
Оммавий ахборот воситалари қонунчилигининг таҳлили	12
Умумий кузатишлар	12
Оммавий Ахборот Воситалари тўғрисидаги	
Қонуннинг мақсади ва қўлланилиши	13
“Оммавий ахборот воситалари” тушунчаси	14
Оммавий ахборот воситаларининг эркинлигини	
суистемол қилишни тақиқлаш	17
Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ташкил этилиши	20
Оммавий ахборот воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш	21
Таркиб тақсимлаш	24
Бозор монополиясини тақиқлаш	25
Давлат ва бошқа органлар билан ўзаро муносабатлар	27
Манбаларнинг махфийлиги	27
Рад этиш ва жавоб бериш ҳуқуқи	30
Мажбурий қоидалар	32
Ахборот олиш ҳуқуқи	34
Бошқа чекловлар	35
ARTICLE 19 ҳақида	37

Кириш

2019-йил феврал ойида, ARTICLE 19 “Оммавий Ахборот Воситалари тўғрисида”ги Қонунни (Қонун) сўз эркинлиги халқаро стандартларига мувофиқлигини таҳлил қилди. “Оммавий Ахборот Воситалари тўғрисида”ги Қонун Ўзбекистон ҳукумати томонидан 2007¹ йил январда қабул қилинган ва 2018 йил апрелда² ўзгартириш киритилган.

ARTICLE 19 Қонуннинг бир қатор ижобий хусусиятларини юқори баҳоласада, биз Қонуннинг меъёрлари, умумий ҳолда мамлакатда сўз эркинлиги ва инсон ҳуқуқларига изчил чеклаш асносида баҳолашни кераклигини таъкидлаймиз. Ўзбекистон Конституциясида сўз эркинлиги ва матбуот эркинлиги³ кўзда тутилган бўлса-да, Ўзбекистон ҳукумати амалда қонун устуворлигини кўп ҳам ҳурмат қилмайди. Гарчи Ҳукумат яқинда баъзи демократик ислохотларни амалга оширган ва баъзи сиёсий маҳбусларни, шу жумладан журналистларни озод қилган бўлса-да, мамлакат дунёдаги энг муаммоли инсон ҳуқуқлари баёнотига эга⁴. Цензурани тақиқлаш бўйича қонуний ва конституциявий қоидаларга қарамасдан, кўплаб қилинган ҳисоботлар қонун ва реал ҳаёт ўртасидаги зиддият борлигини кўрсатади⁵. Шу боис, қонун бу мамлакатда мавжуд бўлган инсон ҳуқуқлари вазияти нуқтаи назаридан ўқишли керак. Шунингдек, у тегишли қонунчилик, хусусан, 1997 йилги (2018 йил апрелида ўзгартириш киритилган)⁶ Журналистик Фаолиятини Ҳимоя Қилиш тўғрисидаги Қонун билан биргаликда ARTICLE 19 томонидан кўриб чиқишли ва таҳлил қилиниши керак, ҳамда Президентнинг тегишли Фармонлари, хусусан Хорижий Оммавий Ахборот Воситалари тўғрисидаги (2018 йил март ойида ўзгартирилган)⁷ Фармонига мувофиқ таҳлил қилиниши керак. Тегишли

¹ Оммавий Ахборот Воситалари тўғрисидаги № ЗРУ-78-сонли Қонун <https://bit.ly/2SmhdTm> сайтида рус тилида мавжуд. Ушбу таҳлил Оммавий Ахборот Воситалари тўғрисидаги Қонуннинг инглиз тилидаги таржимаси асосида қилинган. ARTICLE 19 таржимасидаги ноаниқликлардан келиб чиқадиган таҳлиллар хатоси юзасидан жавобгар бўлмайди.

² 2018 йилги Оммавий Ахборот Воситалари тўғрисидаги Қонунга киритилган ўзгартиришлар, рус тилида <https://bit.ly/2VdbRfa> сайтида мавжуд.

³ Freedom House, Матбуот эркинлиги: Ўзбекистон, 2017.

⁴ Human Rights Watch, Ўзбекистонда Цензура Ҳали Ҳам Тирик, 13 декабр 2017.

⁵ Human Rights Watch нинг Ўзбекистон бўйича ҳисоботини кўринг, 1997.

⁶ “Журналистик Фаолиятини Ҳимоя Қилиш тўғрисида” ги Қонун, 24-апрел 1997 №402-И, <http://lex.uz/acts/2024>.

⁷ Хорижий Матбуотни Тартибга Солиш тўғрисидаги Фармон, 2006 йил феврал, <http://www.lex.uz/docs/973661>; 2018 йилги ўзгартиришлар <https://bit.ly/2GDZmGg> да мавжуд.

қонунчилик ҳам муаммоли, чунки у сўз эркинлиги халқаро стандартларига мос келмайди.

Биз Ўзбекистон ҳукумати томонидан инсон ҳуқуқларини камситувчи ҳолатини яхшилаш бўйича баён этилган мажбуриятини қўллаб қувватлаймиз. Шу билан бирга биз ушбу ислохотларнинг секин кетаётганидан ва эълон қилинган мажбуриятлар амалда⁸ реал ҳимоя қилинишга олиб келадиган даражадан ташвишдамиз. Шунинг учун биз Ўзбекистон ҳукуматини сўз эркинлиги билан боғлиқ барча қонунларни зудлик билан қўриб чиқишга ва унга тегишли ўзгартиришлар киритишга чақирамиз.

Мазкур таҳлилда, ARTICLE 19 халқаро инсон ҳуқуқлари стандартлари билан Оммавий Ахборот Воситалари тўғрисидаги Қонуннинг ўртасидаги тафовут борасида ўз ташвишларини билдиради; биз қонунни қандай ўзгартириш мумкинлиги юзасидан ҳам конструктив тавсияларни таклиф қилмоқдамиз. Биз қонуннинг муаммоли меъёрларини сўз эркинлигининг халқаро стандартларга қандай мослаш мумкинлигини тушунтириб берамиз ва асосий тавсияларни баён қиламиз.

ARTICLE 19 ушбу таҳлил, Ўзбекистон ҳукумати, қонун чиқарувчилар, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти ва бошқа манфаатдор томонлар учун амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида ва сўз эркинлиги ва оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги тўла ҳимоя қилинишини таъминлашда фойдали бўлишига умид қилади.

⁸ Қаранг, масалан, Human Rights Watch, Ўзбекистондаги ОАВ эркинлиги: Ҳали ҳам узоққа борадиган йўл, 2018 йил 27 март; ёки Human Rights Watch, АҚШ Конгресси: Марказий Осиёдаги воқеалар бўйича эшитишлар. Стив Свердловнинг 2018 йил 18-июл куни Европа, Евроосиё ва Янги таҳдидлар бўйича вакиллар палатасининг Ташқи Ишлар бўйича Ёрдамчи Қўмитаси олдида берган кўрсатуви.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартлар

Халқаро ҳуқуқда сўз эркинлигини ҳимоя қилиш

Сўз эркинлиги ва ахборот эркинлиги асосий инсоний ҳуқуқдир. Ушбу ҳуқуқдан тўлиқ фойдаланиш шахсий эркинликларга эришиш ва демократияни ривожлантириш, айниқса, авторитаризмдан демократияга ўтишга қаратилган мамлакатларда муҳим аҳамият касб этади. Сўз эркинлиги шаффофлик ва ҳисобдорлик тамойилларини амалга ошириш учун зарур шартдир, бу ўз навбатида барча инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва олға суруш учун муҳимдир.

Оммавий Ахборот Воситалари ҳақидаги Қонун инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қатор халқаро ҳуқуқий қоидаларни ўз ичига олади ва улар кейинги қисмдаги ҳуқуқий таҳлилнинг асоси бўлади. Ушбу бўлимда сўз эркинлигини ва айниқса, эфирга узатиш қоидаларини ҳимоя қилиш учун энг долзарб халқаро инсон ҳуқуқлари қоидалари аниқланади.

Инсон Ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси (ИХУД)⁹, одатда, барча давлатларни халқаро ҳуқуқ меъёрлари учун мажбурий бўлган халқаро инсон ҳуқуқлари стандартларининг энг муҳим баёноти саналади. ИХУД нинг 19-моддаси сўз эркинлиги ҳуқуқини қуйидаги ҳолларда кафолатлайди:

Ҳар бир инсон сўз ва фикр эркинлиги ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ ҳеч қандай аралашувсиз фикр юритиш, ахборотни ва ғояларни ҳар қандай восита орқали ва чегарадан қатъи назар излаш, фойдаланиш ва тарқатиш ҳуқуқини ўз ичига олади.

Фуқаролик ва Сиёсий Ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт (ФСХҲП) - 1995 йил август ойида Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган ва ИХУДга киритилган бир қатор инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш бўйича иштирокчи давлатлар томонидан қонуний мажбуриятларни юкловчи халқаро шартнома¹⁰. ФСХҲП 19-моддаси ИХУДнинг 19-моддасида кўрсатилган ҳолатларга жуда ўхшаш фикр ва сўз эркинлиги ҳуқуқини кафолатлайди. ФСХҲПни ратификация қилган ҳолда,

⁹ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган, 217А (III) Резолюцияси.

¹⁰ 1966 йил 23 мартда кучга кирган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеясининг 1966 йил 16 декабрдаги 2200А (XXI) Резолюцияси.

Ўзбекистон ФСХҲП қоидалари бўйича нафақат халқаро ҳуқуқ билан чекланади, балки ушбу шартномани миллий қонунчилик орқали амалга оширишга мажбурдир.

Сўз эркинлиги, Ўзбекистон томонидан қабул қилинган, Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХҲТ) нинг турли хил ҳужжатларида, Хелсинки Якуний Қарорида¹¹, ЕХҲТнинг инсоний қадриятлар Копенгаген йиғилишининг якуний ҳужжатида¹², 1990 йилда имзоланган Париж Уставида¹³, 1994 Будапештдаги ЕХҲТ саммитининг¹⁴ якуний ҳужжати ва Истанбул саммит Декларациясида¹⁵ ҳам кафолатланган.

Сўз эркинлиги ҳуқуқига ўхшаш кафолатлар Инсон ва Халқлар Ҳуқуқлари бўйича Африка Хартиясининг (Африка Хартияси)¹⁶ 9-моддасида, Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка Конвенциясининг¹⁷ 13-моддасида ва Инсон Ҳуқуқлари ва Асосий Эркинликларини Ҳимоя Қилиш тўғрисидаги Европа Конвенциясининг 10-моддаси (Европа Конвенцияси)¹⁸ да кўзда тутилган. Минтақадаги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш органлари томонидан қабул қилинган қарор ва ваколатли баёнотлар Ўзбекистон учун мажбурий бўлмаса-да, улар сўз эркинлигининг қўлланиши ва чегараларини белгилаш учун ишонтирарли прецедентлар бўлади. Улар сўз эркинлиги ҳуқуқининг мазмуни ва қўлланилишининг муҳим қиёсий далилидир ва Ўзбекистон учун мажбурий бўлган ФСХҲПнинг 19-моддаси талқинини шархлаш учун ишлатилиши мумкин.

Сўз эркинлигига ҳуқуқий чекловлар

Халқаро стандартларга мувофиқ сўз эркинлиги ҳуқуқига чекловлар «уч босқичли тест» деб номланадиган шартларга мувофиқ бўлиши керак:

¹¹ ЕХҲТ, Хелсинки, 1975 йил 1 август.

¹² ЕХҲТнинг инсоний қадриятлар Копенгаген йиғилиши, июн 1990; хусусан, 9.1 ва 10.1-бандларни қаранг.

¹³ Янги Европа учун Париж Низоми, ЕХҲТ Саммити, 1990 йил.

¹⁴ Янги даврдаги ҳақиқий ҳамкорлик сари, ЕХҲТ Саммити, Будапешт, 1994, 36-38 бандлар.

¹⁵ ЕХҲТ Истанбул Саммити, 1999, 27-модда; шунингдек, ушбу йиғилишда қабул қилинган Европа хавфсизлиги Низомининг 26-бандига қаранг.

¹⁶ 27-июн 1981-йилда қабул қилинган, OAU Doc. CAB/LEG/67/3 rev. 5, 21 I.L.M. 58 (1982), 1986 йил 21 октябрда кучга кирган.

¹⁷ 1969 йил 22 ноябрда қабул қилинган, 1978 йил 18 июлда кучга кирган.

¹⁸ 1950 йил 4 ноябрда қабул қилинган, 1953 йил 3 сентябрда кучга кирган..

-
- **Қонун билан белгиланган:** ҳар қандай қонун ёки қоидалар шахсларнинг ўз хатти-ҳаракатларини тартибга солишга имкон бериш учун етарли даражада аниқлик билан тузилиши керак;
 - **Қонуний мақсадга эришиш учун:** қуйидагиларга эътибор қаратишлари керак: бошқаларнинг ҳуқуқлари ва обрўсини ҳурмат қилиш; миллий хавфсизликни ва жамоат тартибини (жамоат тартибини), ёки соғлиқни сақлаш ва ахлоқий меъёрларни муҳофаза қилиш;
 - **Демократик жамиятда керакли мутаносиблик:** яъни агар енгил чора кўришни қўллаш қаттиқ чора кўришдек самара берса у ҳолда энг кам чеклашли чора қўлланилиши керак.¹⁹

Шунингдек, ФСХҲПнинг 20-моддаси (2) бандига асосан, камситиш, душманлик ёки зўравонликка сабаб бўладиган миллий, ирқий ёки диний нафратни тарғиб қилишни қонун билан тақиқланиши шарт. Шу билан бирга, зўравонликларни қўзғатиш одамларнинг норозилигини ёки камситишга олиб келадиган фикр билдиришдан кенгроқ²⁰. Халқаро миқёсда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) доирасида Инсон Ҳуқуқлари бўйича Олий Комиссар Офиси (ОНЧР) ФСХҲПнинг 20 (2) -моддаси²¹ асосида тарғиб қилиш (подстрекательство) қонунининг аниқ таърифини ўз ичига олган Рабат ҳаракатлар режасини ишлаб чиқди.

Оммавий Ахборот Воситаларини тартибга солиш

Сўз эркинлиги кафолати оммавий ахборот воситаларига маълум таъсир этади. Инсон ҳуқуқлари халқаро ташкилотлари “қонун устуворлиги асосида бошқариладиган давлатда матбуотнинг муҳим роли”²² ва демократик жамиятда матбуотнинг муҳим роли ҳақида қайта қайта таъкидлашади.²³

¹⁹ БМТнинг Инсон Ҳуқуқлари бўйича Қўмитаси, *Velichkin vs Belarus*, Comm. No. 1022/2001, UN Doc. CCRP/C/85/D/1022/2001 (2005).

²⁰ С.ф. Инсон Ҳуқуқлари бўйича Европа Суди (Европа суди), *Handyside vs the UK*, 6 июл 1976, 56-б.

²¹ Қаранг, Инсон Ҳуқуқлари бўйича Олий Комиссар Офиси (ОНЧР)нинг 2012-йилги дискриминация, душманлик ёки зўравонликка сабаб бўлган миллий, ирқий ёки диний нафратни тарғиб қилишни тақиқлаш бўйича Рабат Режаси. У айниқса, нутқни давлатлар томонидан ифвогарлик сифатида жиноят деб ҳисоблаш кераклигини баҳолашда олтига қисмли мезонларини ҳисобга олиш кераклигини аниқлайди.

²² Қаранг, Европа суди, *Thorgeirson vs Iceland*, 25 июн 1992, пул 63 ёки *Castells vs Spain*, 24 Апрель 1992, 43 боб.

²³ Европа суди, *Dichand and others vs Austria*, 26 феврал 2002, 40 боб.

Оммавий ахборот воситаларини тартибга солиш муайян муаммоларни келтириб чиқаради. Бир томондан сўз эркинлиги ҳукуматни аралашувини чеклашни талаб қилади, бошқа томондан эса, ФСХҲПнинг 2-моддасида Пактда эътироф этилган ҳуқуқларни амалга ошириш учун давлатларни зарур бўлган қонуний ёки бошқа чораларни кўришга мажбур қилади. Бу шуни англатадики, давлатлар шу ҳуқуқларни таъминлаш учун ижобий чоралар кўриши ва жумладан сўз эркинлиги ҳуқуқини ҳурмат қилиши керак.

Сўз эркинлиги ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун оммавий ахборот воситаларининг давлат назоратидан мустақил ишлашига йўл қўйилиши шарт. Бу оммавий ахборот воситаларининг жамоатчилик кузатувчиси сифатида ролини таъминлайди ва жамоатчиликга турли фикрлар айниқса жамоатчиликга тегишли фикрлар билан танишишга имкон беради. Бу оммавий ахборот воситаларининг тартибга солувчи моделларни қўлланилиши учун муҳим аҳамиятга эга:

- Ўз-ўзини бошқариш - босма ва онлайн медиага асосланган оммавий ахборот воситаларини тартибга солишнинг авзал моделидир, яъни оммавий ахборот воситалари ўзининг масъулиятини ахлоқий медиа меъёрларига мувофиқ равишда ишлаб чиқиши ва таъминлаши керак. Бу одатда давлатдан мустақил бўлган ва аъзо бўлиш учун ҳамма оммавий ахборот воситалари учун очик бўлган Матбуот Кенгашларини тузиш билан амалга оширилади. Матбуот Кенгашларининг мандатлари ҳар хил, аммо одатда улар касбий ва ахлоқий меъёрларни белгилашга ва ушбу стандартларга мувофиқлиги бўйича шикоятларни олишда масъулдир.
- Эфирга узатувчи ахборот воситаларини, яъни радио ва телевидениени тартибга солиш алоҳида ўрнатилиши керак. Бунинг сабаби эфирга узатиш спектри чекланган оммавий манбадир ва давлат бу спектрни кўпгина турли дастурлар учун жамоат манфатлари йўлида ишлатилишини тахминлашда чекланган бўлсада муҳим рол ўйнайди. Медиа мустақиллигини таъминлаш билан бир қаторда турли хил ва кўп сонли эшиттириш дастурлари билан таъминлаш жуда қийин вазифадир.

Бу давлатдан оммавий ахборот воситаларининг плуралиزمи ва хилма-хиллигини максимал даражага кўтариш учун мўлжалланган шаффоф эшиттириш сиёсати асосида эфир частоталарининг адолатли тақсимланишини таъминлаш учун мустақил, ошқора ва ҳисобот берадиган тартибга солиш органини яратишни талаб қилади. Интернет ва босма оммавий ахборот воситаларидан фарқли ўлароқ, ушбу орган ўз-ўзини бошқарувчи эмас, бироқ соҳадан ҳамда давлат ва сиёсий партиялардан мустақил бўлиши керак.

Ўзбекистон Конституцияси

Ўзбекистон 1995 йил август ойида Фуқаролик ва Сиёсий Ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пактни ратификация қилган. Ўзбекистон Конституцияси²⁴ (1992 йил декабрида қабул қилинган) “инсон ҳуқуқларига”, “демократик ғоялар ва демократик ва адолатли давлат қуриш ғояларига садоқатли экани”ни эътироф этади ва “халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган халқаро стандартларининг устуворлиги ва аҳамиятини” тан олади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасига кўра ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, фойдаланиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир. Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 67-моддаси: «Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Цензурага йўл қўйилмайди.» деб белгилайди.

²⁴ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, <https://bit.ly/2VfLbKN> да мавжуд.

Оммавий ахборот воситалари қонунчилигининг таҳлили

Умумий кузатишлар

Ушбу брифинг бошида, Article 19, барча оммавий ахборот воситаларини (босма ва радиоэшиттириш ва интернет-медиа) тартибга солувчи қонунларни битта қонун ҳужжатларининг доирасида кўриб чиқишга интилади, чунки улар сўз эркинлиги ва ахборот эркинлиги ҳуқуқини ҳимоя қилиш эмас, балки кўпинча ҳукумат учун ҳаддан зиёд чекловлар воситаси бўлиб келмоқда. Кўпгина демократик мамлакатларда махсус медиа қонуни йўқ (аудиовизуал ахборот воситаларини тартибга солиш бундан мустасно), хусусан оммавий ахборот воситаларини яратиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонунлар ҳақида алоҳида қонун йўқ. Улар одатдаги тижорат фаолияти деб қаралади, шунинг учун улар алоҳида эмас, балки фуқаролик ва савдо кодекслари каби умумий тадбиқ этиладиган қонунлар орқали тартибга солиниши керак. Оммавий ахборот воситалари учун матбуотни яратиш тартиби ҳар қандай солиштирадиган бизнес учун бир хил. Бу, матбуот нашр этадиган нарсалар ҳақида ҳеч қандай чекловлар йўқ дегани эмас. Мисол учун, зўравонлик ёки камситишни келтириб чиқарадиган, жинсий эксплуатация қилишни ёки товар белгисини бузаётган таркибга нисбатан тақиқларни деярли ҳар бир мамлакатда топиш мумкин. Аммо демократик мамлакатларда бу қоидалар, одатда, муайян қонунларда эмас, балки умумий қонунларда ҳам мавжуд. Демократик жамиятда матбуотнинг инструментал аҳамияти ҳисобга олган ҳолда, журналистлар ва уларнинг нашрлари оддий одамларга қараганда ўз-ўзини ифода қилиш ҳуқуқига нисбатан қаттиқроқ чекланиши керак эмас.

Оммавий Ахборот Воситалари ҳақидаги Қонуни мазмуни жиҳатидан муаммоли эмас. Шунингдек Article 19, Қонунда оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги кафолати, ахборотдан фойдаланиш эркинлиги, ўзбошимчилик билан қабул қилинган қарорлар ёки оммавий ахборот воситаларининг фаолиятига аралашуш тақиқлари (Оммавий Ахборот Воситалари тўғрисидаги Қонунининг 5-моддаси) каби баъзи ижобий хусусиятлар мавжудлигини ҳамда буни давлатнинг оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш мажбурияти сифатида ("Оммавий Ахборот Воситалари тўғрисида" ги Қонуннинг 51-моддасида 2018 йилги апрелдаги ўзгаришлар) қайд этади. Шу билан бирга, бундай қонунчиликнинг мақсади ва оқибати оммавий ахборот воситаларининг эркинлигини кафолатлаш ва сўз эркинлигини мустаҳкамлаш эмас, аксинча, оммавий ахборот воситаларини ҳар қандай шахс ёки бизнесга нисбатан қўлланиладиган умумий қонунлардан ташқари назорат қилиш учун қўшимча механизмлар яратиш масаласи бўлиб қолмоқда.

Article 19, Оммавий Ахборот Воситалари тўғрисидаги Қонунни қўлланилишини қисман бекор қилиш ёки камида қисқартириш учун эҳтиёткорлик билан кўриб чиқиш зарур деб ишонади. Биз уйлаймизки бунга эришса бўлади, чунки босма оммавий ахборот воситалари ҳеч қачон қонуний вакуумда бўлмайди. Чехия, Словакия, Венгрия, Руминия ва Болгария сингари баъзи Шарқий Европа мамлакатларининг мисоллари шуни кўрсатадики, ҳатто оммавий ахборот воситаларига эга бўлмаган ёш демократиялар ҳам оммавий ахборот воситалари қонунларига ўхшаш қонунга муҳтож эмас.

Шунинг учун, Қонуннинг мавжудлигининг маъноси қайта кўриб чиқиши керак. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Ўзбекистон ўз фикрини ифодалаш эркинлиги борасидаги қонунчиликни тезкор ва ҳар томонлама кўриб чиқиши ва уни инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларга тўла мувофиқлигини келтириши лозим. Оммавий Ахборот Воситалари тўғрисидаги Қонунининг қайта кўриб чиқиши бундай қайта кўриб чиқишнинг бир қисми бўлиши керак.

Тавсиялар:

- Ўзбекистон сўз эркинлиги билан боғлиқ қонунчиликни тўлиқ баҳолаши ва барча қонунлар уларга тўлиқ мос келишини таъминлаши керак. Қонунчилик, сўз эркинлигини ҳар қандай чеклашлар халқаро инсон ҳуқуқлари стандартлари бўйича уч қисмли тестларга қатъий риоя қилишини таъминлаши керак.

Оммавий Ахборот Воситалари тўғрисидаги Қонуннинг мақсади ва қўлланилиши

Ҳозирги шаклда, Оммавий Ахборот Воситалари тўғрисидаги Қонунининг мақсади аниқ эмас.

1-модда, “оммавий ахборот воситаларининг фаолияти доирасини тартибга солиш” га йўналтирилган ва 2-модда эса “Худудда [Ўзбекистонда] фаолият олиб борувчи янги ташкил этилган ва мавжуд оммавий ахборот воситалари” га тегишли, шунингдек “ўзлари ишлаб чиқарган материалларни Ўзбекистонда тарқатганлари учун хорихий оммавий ахборот воситаларига” қўлланилади. 5-моддада (2018 йил апрелидаги ўзгаришларни ўз ичига олган ҳолда) оммавий ахборот воситалари эркинлиги учун бир қатор ижобий кафолатлар баён қилинади ва 51-моддада (2018 йил апрелдаги ўзгаришлар орқали қўшилган) оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш бўйича, жумладан солиқдан озод қилиш имтиёзлари орқали ҳам²⁵, турли давлат мажбуриятлари кўрсатилган. 3-модда шунингдек, халқаро

²⁵ Таъкидлаш жоизки, амалда «қўллаб-қувватлаш» фақат ҳукуматни танқид қилмайдиган оммавий ахборот воситаларига берилади; Шунинг учун, ундан медиа бошқарув воситаси сифатида фойдаланиш мумкин.

шартномалар ички қонунчиликдан устиворлигини назарда тутати. 7-модда цензурани тақиқлайди.

ARTICLE 19 матбуот эркилиги ва оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлашга оид ижобий мажбуриятларини юксак бохолашига қарамасдан, биз оммавий ахборот воситалари қонунчилигида оммавий ахборот воситаларининг кенг доирасини, шу жумладан оммавий ахборот воситаларини рўйхатдан ўтказишни тартибга солишда сўз эркилигини таъминлашнинг муҳим қафолатлари йўқлигидан ташвишдамиз. Олдинги бобда таъкидланганидек, бу масалалар одатда умумий тадбиркорлик фаолияти қонунлари (фуқаролик, тижорат ёки маъмурий кодекслар) билан тартибга солинади; матбуотга тегишли эса, ўз-ўзини бошқариш учун қолдирилади.

Тавсиялар:

- Оммавий Ахборот Воситалари тўғрисидаги Қонун сақланадиган даражада, масалан, 1-моддада унинг мақсади сўз ва ахборот эркилигини рағбатлантириш эканлигини маълум қилиши керак. Айниқса, у ўз мақсадини оммавий ахборот воситаларининг сўз эркилиги ҳуқуқига мувофиқ равишда оммавий ахборот воситалари эркилигини таъминлаш эканлигини эълон қилиши керак. Қонун, оммавий ахборот воситаларининг асосий вазифаси - янгиликларни эълон қилиш ва ҳукумат устидан жамоатчилик кузатувчиси сифатида ҳаракат қилиш эканлигини аниқ тан олиши керак; ва давлат органлари ўзининг органларидан сўз эркилиги ҳуқуқини амалга оширишга тўсқинлик қилганлари учун ҳар доим энг кам чекловчи воситалардан фойдаланишларини талаб қилишлари керак;
- Оммавий Ахборот Воситалари тўғрисидаги Қонуннинг ижобий жиҳатлари сақланиши ва амалда тўғри қўлланилиши керак, хусусан, цензурани тақиқлаш ва оммавий ахборот воситалари эркилиги.

“Оммавий ахборот воситалари” тушунчаси

4-модда “оммавий ахборот воситалари” атамасининг тушунчасини белгилайди; ушбу тушунча “2018 йилнинг апрелида киритилган ўзгартишлар” орқали, “тегишли тарзда рўйхатга олинган” оммавий ахборот воситаларининг шаклларини ва “глобал ахборот тармоғи, Интернет” ни белгилаш учун кенгайтирилган. Ушбу тушунча, 271-модда (2018-йил апрел ўзгартиришлар орқали тақдим этилган, “Интернетда веб-сайт” шаклидаги оммавий ахборот воситаларига тегишли бўлган янги модда) билан биргаликда, “доимий исмга” эга бўлган ҳолда, ахборотни етказиб беришнинг деярли барча ҳар қандай усулларини, шу жумладан босма ва электрон оммавий ахборот воситаларини қамраб олади. Мисол учун, «электрон ва рақамли алоқа», Интернет орқали ахборот узатишнинг ҳар қандай шаклини ўз ичига олади, агар қандайдир сарлавхага ўхшаган “номи” мавжуд бўлса.

ARTICLE 19 барча оммавий ахборот воситаларини ягона инструмент билан тартибга солиш уринишларини ўринсиз деб билади. Эслатиб ўтамай, БМТнинг Инсон Ҳуқуқлари бўйича Қўмитаси “тартибга солувчи тизимлар, босма, узатиш тармоқлари ва интернет ўртасидаги фарқларни ҳисобга олишлари керак”²⁶, деб таъкидлайди.

Шуни такрорлаймизки, эфирга узатиш воситаларини тартибга солиш қонуний деб умумэтироф қилинади²⁷, асосан эфир частоталари чекланган ва частота спектрини ажратиш механизми, хаос қарама қарши фойдаланувчиларни бир-бирларини бостиришга олиб келиши мумкинлиги учун. Иккинчидан, телевидение ва радио уйларга тўғридан-тўғри кириб келади, бу эса муайян таркибни назорат қилиш чораларини оқлайди, масалан, вояга этмаганларни ҳимоя қилиш ёки турли нуқтаи назарларнинг мавжудлигини таъминлаш учун.

Бироқ, узатувчиларни тартибга солиш ва лицензиялашни оқлайдиган далиллар босма оммавий ахборот воситалари учун жуда оз миқдорда тегишли; бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлган нашрларнинг сони бўйича техник чекловлар мавжуд эмас, газета ва журналлар оммавий ахборот воситалари каби кенг тарқалмаган. Демак, аксарият демократик давлатлар, ёки босма оммавий ахборот воситаларини тузиш учун бирон-бир расмийликни белгиламайдилар (рўйхатга олиш учун одатий талаблардан ташқари) ёки керакли маълумотлар тақдим этилгандан кейин (мулкдорларнинг шахси ва бизнеси жойлашган манзили) рўйхатга олишни рад этишни ёки рўйхатдан ўтишни тўхтатишни назарда тутмайдиган фақатгина маъмурий талаблар қўядилар.

Босма оммавий ахборот воситалари учун лицензия талаблари билан халқаро қонунчиликни бузадиган кўплаб ваколатлар мавжуд. Масалан, Африка Инсон ва Ҳалқлар ҳуқуқлари бўйича Комиссияси (ACHPR), Нигериядаги газетани рўйхатдан ўтказмасдан унга эгалик қилиш, босиб чиқариш ёки чоп этиш сўз эркинлигини бузилиши деган Фармонини, Африка Инсон ва Ҳалқлар Ҳуқуқлари Хартиясига мувофиқ сўз эркинлиги ҳуқуқининг бузилишини англатади деб қарор қилди. Комиссия, рўйхатдан ўтиш талабининг ҳамда рўйхатга олиш кичик бадалини тўлаш талаби ўз-ўзидан муаммоли эмас, деган хулосага келди, аммо:

Рўйхатдан ўтказиш комиссиясини қарорнинг тўлиқлиги ва якунийлиги ташвишга солади, қайсики ўз навбатида ҳукуматга ҳар қандай газета

²⁶ Инсон Ҳуқуқлари Қўмитаси, ФСХП нинг 19 моддасининг (Сўз ва Ифода Эркинлиги) тўғрисидаги 34-Умумий Баёноти, 2011 йил 12 сентябрда қабул қилинган, UN Doc. CCRP/C/GC/34, 39-банд.

²⁷ Масалан, Европа Конвенциясининг 10 (1) -моддаси сўз эркинлиги ҳуқуқини кафолатлайди ва “бу модда давлатларга теле-радио, телевизор ёки кинотеатрларни лицензиялашни талаб қилишга тўсқинлик қилмайди” деб таъкидлайди.

ёки журнални нашр этишни таъқиқлаш ҳуқуқини беради. Бу цензурани рағбатлантиради ва 9.1 моддада ҳимояланган жамоатчиликнинг ахборотни олиш учун ҳуқуқларига жиддий равишда таҳдид қилади. Шундай қилиб, 9.1-модданинг бузилишига йўл қўйилган.²⁸

Худди шундай, Инсон Ҳуқуқлари Қўмитаси Лесотхо (Lesotho) Матбуот ва Нашр Қонунига биноан “газетага рўйхатдан ўтишни рад этиш ёки рухсат бериш чекловсиз ихтиёрий ваколатлари” бу мамлакатни ФСХҲП нинг 19-моддасидаги сўз эркинлиги тўғрисидаги концепцияга зид келади деб таъкидлайди²⁹.

Айнан мана шу фикрларнинг аксарияти ҳам оммавий ахборот воситаларига, ҳам матбуотга тегишлидир. Демократик давлатлар веб-сайт операторлари ва бошқа онлайн хизматларни рўйхатга олишни талаб қилмайди ва веб-сайтлар қандай кўринишда бўлишлари кераклиги ва улар эга бўлишлари керак бўлган энг кам маълумот бўйича талаб қўймайдилар. 2011 йилда ЕХҲТнинг оммавий ахборот воситалари эркинлиги бўйича Вакили, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Африка ва Америкадаги ҳамкасабалари билан биргаликда, онлайн хизмат кўрсатувчи провайдерлар учун рўйхатдан ўтиш талаблари қонуний эмас деб таъкидлайдилар:

Интернетдан фойдаланишни тақиқловчи бошқа чоралар, масалан, хизмат кўрсатувчи провайдерларга нисбатан рўйхатга олиш ёки бошқа талаблар, агар улар халқаро ҳуқуққа мувофиқ сўз эркинлигини чеклаш мезонларига жавоб бермаса, қонуний эмас.³⁰

Оммавий Ахборот Воситалари тўғрисидаги Қонуннинг асосий қисмлари ушбу стандартлар асосида қайта кўриб чиқилиши керак. Агар Қонун сақланиб қолса, натижа сўз эркинлигини тўлиқ ҳимоя қилувчи қонунчилик бўлиши керак ва фақат қонуний мақсадни кўзлайдиган ва аниқ ифодаланган ва албатта, «демократик жамиятда зарур» қоидалар ва чекловларни ўз ичига оладиган бўлиши керак.

Таққослаш нуқтаи назаридан Грузиянинг Сўз ва Ифода Эркинлиги тўғрисидаги Қонуни шу каби ҳимояга мисол тариқасида бўлиши мумкин³¹. Ушбу инновацион ва илғор қонун сўз эркинлигини кенг тушунтириб беради, эркин ва очиқ мунозараларнинг муҳимлигини белгилайди, цензурани тақиқлайди ва инсон

²⁸ Инсон Ҳуқуқлари бўйича Қўмитаси, Media Rights Agenda and Others vs Nigeria, Comm. Nos. 105/93, 128/94, 130/94 and 152/96, 1998 йил 31 октябр Тавсиялари.

²⁹ Инсон Ҳуқуқлари бўйича Қўмита, Лесотхо бўйича Якуний Кузатишлар, 8 апрел 1999 й., UN Doc. No. CCPR/C/79/Add.106, 23-боб.

³⁰ Сўз эркинлиги ва Интернет ҳақида Қўшма Декларация, 2011 йил 1 июн, 6 (д).

³¹ 2002 йил 24 июнда қабул қилинган Грузиянинг Сўз ва Ифода Эркинлиги тўғрисидаги Қонун.

ҳуқуқларига оид юриспруденцияни миллий қонунчиликка киритади. Грузиянинг Қонуни, шунингдек, ФСХХПнинг талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган, сўз эркинлигини чеклашнинг қатъий меъёрларини белгилайди, махсус махфийлик қоидаларини, шу жумладан, журналистик махфийлик тамойилини ўрнатади ва туҳматнинг янги ва прогрессив қонунчилик схемасини ишлаб чиқади. Грузиянинг Қонунини қабул қилиниши билан бир вақтда жинойи туҳмат бекор қилинди – биз Ўзбекистон ҳукуматини шунга қараб ҳаракат қилишга чақирамиз.

Тавсиялар:

- Ҳар қандай Оммавий Ахборот Воситалари тўғрисидаги Қонунда, бир томондан, босма ва Интернетга асосланган оммавий ахборот воситалари орасидаги фарқ ва бошқа томондан эфирга узатиш оммавий ахборот воситалари учун аниқ белгиланган қоидалар бўлиши керак. 4-моддада ва 21-моддага мувофиқ оммавий ахборот воситасининг тушунчасига ўзгартириш киритилиши керак;
- Уларга татбиқ этиладиган таркиб билан ишлайдиган қонунчилик тизимиغا эга бўлиш ўрнига, Ўзбекистондаги оммавий ахборот воситаларига ўзини ўзи бошқариш тизимини ишлаб чиқиш имконияти берилиши керак, бу ҳам ўзига хос ахлоқ кодексини тақдим этиши мумкин.

Оммавий ахборот воситаларининг эркинлигини суистемол қилишни тақиқлаш

6-модда (оммавий ахборот воситаларининг эркинлигини суистемол қилиш тўғрисидаги қоидалар, 2018 йилги апрел ойида киритилган ўзгартиришларда ўзгартирилмаган) таркибга доир бир қатор чекловлар қўяди. У қуйидагиларни тақиқлайди:

- Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ва ҳудудий яхлитлигини бузишга даъват қилишни;
- Уруш, зўравонлик ва терроризмни, шунингдек, диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини тарғиб қилишни;
- Давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни, сир тутилган ахборотни ошкор қилишни;
- Миллий, ирқий, этник ёки диний адоват кўзғатишга қаратилган ахборотни тарқатишни;
- Агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, гиёҳвандлик воситалари, психотансив моддалар ва прекурсорларни тарғиб қилишни;
- Порнографияни тарғиб қилишни;

-
- Қонунга мувофиқ жиноий ёки бошқа жавобгарликка олиб келадиган бошқа фаолиятларни;
 - Оммавий ахборот воситаларини фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини ёки тадбиркорлик обрўсини тушириш, шахсий ҳаётига таъовуз қилиш мақсадида ишлатишни;
 - Суд қарори қабул қилинишидан олдин, маълум бир ишнинг натижасини олдиндан билиши мумкин бўлган ёки унинг қарори қонуний кучга киргунга қадар судга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган, прокурор ёки терговчининг ёзма розилигисиз, тергов ёки дастлабки тергов ёзувларини эълон қилишни.

ARTICLE 19 ушбу соҳада иккита асосий фикрни билдиради:

- Биринчидан, биз Оммавий Ахборот Воситалари тўғрисидаги Қонуннинг мазмунига доир қандайдир чекловларни киритиш зарурми деб ўйламаймиз. Умумий иловалардаги қонунларга таркибий чекловларини киритиш янада мақсадга мувофиқ деб кўринади. Айрим таркиб чекловлари фуқаролик ёки жиноят қонунчилигида мавжуд бўлган тақиқларни такрорлайди ёки мавжуд тақиқларнинг нозик хилма-хиллигини яратади. Мисол учун, амалдаги қоидалар аллақачон, нафратга даъват қиладиган материалларни нашр қилишни тақиқлайди³². Оммавий Ахборот Воситалари тўғрисида Қонунда такрорланган ёки бир оз фарқ қиладиган қоидалар бир хил жиноятларга нисбатан иккита қоидалар қўлланилиши мумкин бўлган чалкаш ҳуқуқий вазиятни келтириб чиқаради. Натижада оммавий ахборот воситалари турли хил қонунчиликда белгиланган бир-бирига зид бўлган ва бир бирини қопловчу таркибни чеклаш субъектига айланади. У, шунингдек, оммавий ахборот воситаларига махсус текшириш учун танланганларини билдиради, бу уларнинг сўз эркинлиги ҳуқуқига ноқонуний таъсир этиши мумкин. Шунинг учун ЭХҲТ, БМТ ва оммавий ахборот воситаларининг сўз эркинлиги бўйича махсус Ваколатлари "Оммавий Ахборот Воситалари тўғрисидаги Қонун таркибий чекловларини такрорлаши керак эмас, чунки бу зарурий эмас ва суиистеъмомликка олиб келиши мумкин" деб таъкидлайдилар.³³
- Иккинчидан, Оммавий Ахборот Воситалари тўғрисидаги Қонун ушбу қоидаларни ўз ичига олиш учун тегишли жойми деган саволдан ташқари, ARTICLE 19 6-моддада таркибий чеклашлари жуда ноаниқ ва кенг таърифланган ва сиёсий мақсадлар

³² Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси: 1994 й., 156-модда ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори: Ўзбекистон Республикаси ахборот тармоқлари, шу жумладан Интернет тармоғи орқали ахборот ресурсларини тайёрлаш ва тарқатиш бўйича.

³³ 2003 йилги Қўшма декларация, БМТнинг Сўз эркинлиги бўйича Махсус Маърузачиси, Америка Давлатлари Ташкилотининг Эркинлиги бўйича Махсус Маърузачиси ва ЕХҲТнинг оммавий ахборот воситалари эркинлиги бўйича Махсус Вакили, 2003 йил 18 декабр.

учун суистеъмол қилиниши мумкинлигидан ҳавотирда. Сўз эркинлиги мутлақ ҳуқуқ бўлмаса-да, унинг чекланишлари ушбу таҳлилнинг аввалги қисмида тасвирланган уч босқичли тестдан ўтиши кераклигини эслатамиз. Ноаниқ ва кенг тарифланган чеклашлар сўз эркинлиги ҳуқуқига ноқонуний аралаштирди. Шу билан бирга, чеклашлар сўз эркинлиги ҳуқуқининг юрагига урадиган тарзда ифодаланиши керак эмас. Қонундаги кўплаб чекловлар халқаро ҳуқуқий синовлардан ўтмайди. Бир неча мисоллар бериб ўтаемиз:

- “Давлат сирини ёки бошқа қонун билан қўриқланадиган сир” деб номланувчи маълумотни ошкор қилиш, ушбу материалларни жамоатчилик манфаатларига мос келадиган бўлса, масалан, улар коррупцияни очиқ берганлиги сабабли чоп этилиши учун рухсат берилиши керак;
- Шунга ўхшаб, бошқаларнинг “обрўсини тўкиш” моддаси ҳам ноаниқдир, чунки бу қоидалар давлат амалдорларини танқид қилишни чеклаш учун ишлатилиши мумкин. Таъкидлаш жоизки, бу Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 158-моддаси³⁴ муаммоли моддалари билан боғлиқдир, қайсики сўз эркинлиги халқаро стандартларини бузган ҳолда “Ўзбекистон Республикаси Президентини омма олдида ҳақоратлаш ёки унга тўхмат қилиш” учун беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум этишни белгилайди;
- Бундан ташқари, “Фуқароларнинг шахсий дахлсизлигига тажовуз қилиш” махсус аниқланмаган ва давлат хизматчиларининг даромадлари, мулкка эгаллик қилиш, сарф-харажатлар ва жамоат манфаатларига оид бошқа масалалар бўйича маълумотларни ошкор қилишдан ҳимоя қилиши мумкин.
- Уруш ташвиқотини тақиқлаш каби бошқа чекловлар қонуний мақсадга қаратилган, ammo кенг тарифланган ва суистеъмол қилиниш учун очикдир.

Таъқиқланган ва таъқиқланмаган нарсаларни, мантиқан олганда, тахмин қилиш мумкин эмас. Бу “музлатиш таъсирига” эга бўлиши эҳтимолдан йироқ эмас - оммавий ахборот воситалари б-модданинг мазмунига доир чекловлардан бири мавжудми, ноаниқлик туфайли аслида қонуний бўлган материалларни чоп этишдан тийилишади. Шунинг учун, биз Оммавий Ахборот Воситалари тўғрисидаги Қонуннинг б-моддасидаги барча чеклашларни сўз эркинлигининг халқаро ҳуқуқ меъёрларига риоя қилиш учун қайта кўриб чиқишни тавсия қиламиз. Уларнинг қонунийлиги ва зарурлиги даражасида улар умумий иловадаги қонун ҳужжатларига ўтказилиши керак.

³⁴ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, 1994 й., 158-модда.

Тавсиялар:

- Оммавий Ахборот Воситалари тўғрисидаги Қонунда ҳеч қандай таркиб чеклови бўлмаслиги керак. Агар маълум бир тоифадаги баёнотнинг ошкор қилиш сўз эркинлигини чеклашни оқлаш учун етарли хавф туғдирса, бу чеклов, баёнот қандай тарқатилишидан қатъий назар, қўлланилиши керак. Натижада, чеклов умумий иловадаги қонунга киритилиши керак. Оммавий Ахборот Воситалари тўғрисидаги Қонуннинг 6-моддаси олиб ташланиши керак.

Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ташкил этилиши

Оммавий Ахборот Воситалари ҳақидаги Қонуннинг 2-бобида, (2018 йил апрелдаги ўзгаришсиз қолган, 18-моддадан ташқари) оммавий ахборот воситаларини тузиш тартиб-қоидалари тўғрисида, шунингдек, устав ҳужжатларида, таъсис шартномалари таркибида нималар бўлиши кераклиги ҳақида ҳамда таҳририят таркиби, таҳририят функциялари ва оммавий ахборот воситасининг сарлавҳасининг таркиби бўйича батафсил ёритилади.

Айрим қоидалар унча аниқ эмас. Масалан, оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ҳуқуқи Ўзбекистон фуқаролари билан чекланганми ёки йўқми (8-моддада улар “Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахслари” томонидан таъсис этилиши мумкин деб қайд этилган) ёки маълум шахсларнинг оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ҳуқуқи қай даражада чекланганлиги аниқ эмас (масалан, нотижорат ташкилотлари).

Агар “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари” ҳақиқий фуқаро бўлса, ARTICLE 19 ушбу чеклашни жиддий тарзда шубҳа остига қўяди. Эслатиб ўтамиз, ИХУД ва ФСХҲП 19-моддаси фақат фуқароларга эмас, балки ҳамма учун қўлланилади. Шу билан бир қаторда ФСХҲПнинг 2-моддаси давлатлар томонидан ҳар қандай турдаги, шу жумладан миллий келиб чиқишидан қатъий назар, “ўз ҳудудидида ва ўз юрисдикциясига қарашли” барча шахслар учун кафолатланган ҳуқуқларни ҳурмат қилишни талаб қилади. Шундай қилиб, у жисмонан Ўзбекистон ҳудуддаги ҳар қандай шахсга, шунингдек, ўнинг юрисдикциясида бўлган шахсларга, масалан, унга тегишли бўлмасада, давлатнинг эффектив назоратида бўлган давлат ҳудудларида, масалан давлат кемаларида, қўлланиши мумкин. Фақат “фуқаролар” билан чеклаш, қочоқлар ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларни ноқонуний равишда нашр қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилади, қайсики, халқаро ҳуқуқга зиддир.

Худди шундай, ARTICLE 19 қонун томонидан тақиқланган нодавлат нотижорат ташкилотларини ўзларининг оммавий ахборот воситаларини яратиш учун тақиқлаш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида савол туғилади. Қайси НТТларнинг

қонун билан тақиқланиши аниқ эмас ва бу қоидалар фуқаролик жамияти жамоатчилиқнинг муайян мавзулар ҳақида жамоатчиликни хабардор қилмаслиги учун қўлланилиши мумкинми.

Тавсиялар:

- Оммавий Ахборот Воситалари тўғрисидаги Қонуннинг 8-моддасига ҳар бир киши ўз танлаган ҳар қандай гуруҳ ёки шахс билан биргаликда нашр этиш ҳуқуқига эга эканлигини аниқлаштирадиган ўзгартиришлар киритилиши керак.
- 2-бобдаги оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низомга эҳтиёж йўқ ва уни бекор қилиш керак. Чекланган ва тўлиқ техник рўйхатга олиш режимига эҳтиёж пайдо бўлса, унинг асосий элементлари ушбу таҳлилда баён этилган тамойилларга асосланган бўлиши керак.

Оммавий ахборот воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш

Оммавий Ахборот Воситалари тўғрисидаги Қонуннинг 3-бобида биноан рўйхатга олиш схемаси (2018 йил апрелдаги ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда) жуда шубҳали. Ушбу бўлим давлат рўйхатидан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда рўйхатга олиш органи томонидан амалга оширилади деб белгилайди (19-модда). Шунингдек, рўйхатга олиш учун аризаларни, шу жумладан интернет-сайтларни рўйхатдан ўтказиш талабларини ҳам белгилайди. Ушбу бўлим баъзи ҳолатларда рўйхатга олиш талаб қилинмайдиган ҳолатларни белгилайди, (масалан, “шахсий эҳтиёжлар” учун, муомаласи 100 тираждан кам бўлган оммавий ахборот воситаларини).

Бундан ташқари, 22-моддага³⁵ мувофиқ рўйхатга олиш турли ҳолатларда, жумладан “оммавий ахборот воситаларининг ҳажми ва вазифалари қонунга зид бўлган ҳолларда” ёки “агар аризада берилган маълумотлар ҳақиқатга тўғри келмаса,” рад этилиши мумкин. Қарор юзасидан судга даъво қилиш имконияти мавжуд. 23-моддада (18-апрелдаги ўзгартиришларсиз) “рўйхатга олиш гувоҳномаларини бекор қилиш” жараёни ва 24-моддада “оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини вақтинча тўхтатиш ёки тугатиш” жараёни тасвирланади (18-апрелда ўзгартиришлар киритилган, жумладан, электрон воситалар ёрдамида тўхтатиб туриш ҳақида хабар беришни ўз ичига олади).

³⁵ 22-модда 2018 йилнинг апрелида ўзгартирилган, унда рўйхатга олиш рад этилган оммавий ахборот воситалари қарор қабул қилингандан кейин бир кун ичида (аввалги версияда 10 кун ичида), рад этиш сабаблари ва қайта расмийлаштиришнинг охириги мuddати белгиланган (апелляция аввалги нусхада белгиланмаган)

ARTICLE 19 ушбу қоидалар бўйича бир нечта кузатувларни амалга оширди:

- Эслатиб ўтамиз, босма оммавий ахборот воситалар учун лицензия талаблари халқаро стандартлар асосида ноқонуний деб қаралади, чунки улар сўз эркинлигини амалга оширишга тўсқинлик қилади, бу эса мутлақо керак эмас. Натижада кўп мамлакатларда босма оммавий ахборот воситаларини рўйхатдан ўтказиш талаб қилинмайди; умумий компаниялар қонунчилигидан ташқари³⁶. Ҳатто рўйхатга олиш талаби (янги нашр таъсис этилиши ҳақида ҳокимиятни хабардор қилиш) тобора асоссиз деб ҳисобланмоқда. Аксинча, халқаро ҳуқуқлар ҳуқуматларга эфирга узатиш частоталари чекланганлигини ва уларни турли операторлар орқали ажратиш учун механизм зарурлигини эътироф этиб, эфирга узатувчиларни лицензиялашга рухсат беради.
- Веб-сайтларни рўйхатдан ўтказиш ҳақида гап кетганда, биз Интернетни босма оммавий ахборот воситалар билан эфирга узатиш ўртасида оралиқ позицияни эгаллаши мумкинлигини таъкидлаймиз. Телерадиокомпания билан ҳамкорликда интернетдаги ҳар бир оператор, радио ёки телевизион станция частотларига ўхшаш бир ёки бир нечта ўзига ҳос манзиллардан фойдаланишни талаб қилади. Аммо, босма нашрларда бўлгани каби, бир-бирининг ёнида мавжуд бўлган Интернет-сайтлар сони бўйича ҳеч қандай чекловлар йўқ. Потенциал веб-сайтлар манзиллари чекланмаган бўлса-да, эфирга узатиш частоталари сони йўқ.

Шунинг учун, Article 19, чексиз манзили мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда, сайтларни / онлайн оммавий ахборот воситаларини рўйхатдан ўтказишни талаб қилишга асос йўқлигига ишонади. Сўз эркинлиги масалалари бўйича Махсус Маърузачилар бу нуқтаи назарни 2005 йилги Қўшма Декларацияда тасдиқлаб

Ҳеч ким Интернет хизмати провайдерлари, веб-сайтлар, блоглар ва Интернетдаги ахборотни тарқатиш учун бошқа тизим, жумладан, Интернет-узатувчилари билан ишлаш учун бирон бир давлат агентлигидан рўйхатдан ўтишни талаб қилмайди. Бу, ҳар қандай тижорий фаолият билан фарқ қилмасдан татбиқ этиладиган техник сабаблар ёки умумий фойдаланиш қоидалари учун домен номи билан расмийлаштирилмайди.³⁷

³⁶ Мисол учун, Австралия, Канада, Германия, Голландия, Норвегия ва АҚШ.

³⁷ БМТнинг Фикр ва Сўз Эркинлиги бўйича Махсус Маърузачиси, ЕХҲТнинг Оммасий Ахборот Воситалари эркинлиги бўйича Вакили ва АДТнинг Сўз Эркинлиги бўйича Махсус Маърузачиси томонидан 2005 йил 28 декабрда имзоланган Қўшма Декларация.

Шунингдек, улар веб-сайт манзилларини ажратиш учун масъул орган давлат ва бошқа манфаатлардан мустақил бўлиши кераклигини таъкидладилар. Бундан ташқари, 2011 йил майдаги маърузасида БМТнинг Сўз Эркинлиги масалалари бўйича Махсус Маърузачиси лицензиялаш ва рўйхатдан ўтиш талабларининг “Интернетга қўлланилиши мумкин эмас”, деб очиқ айтди³⁸

- Таъкидлаш жоизки, рўйхатга олиш тартиби Оммавий Ахборот Воситалари тўғрисидаги Қонунга мувофиқ кичик нашрлар учун қўлланилади (уларнинг тиражи 100 нусхадан ортиқ бўлмаса), ва бу унинг қонунийлиги тўғрисида жиддий саволлар туғдиради. Эслатиб ўтамиз, Laptsevich v. Belarus³⁹ ишида Инсон Ҳуқуқлари бўйича Қўмита, “кичик нашрлар учун рўйхатга олиш режимини жорий этиш, уларнинг сўз эркинлиги ҳуқуқини бузиш” деб таъкидлаб, “бу талабларни 200 тиражи бўлган варақага қўйиб, муаллифнинг ахборот тарқатиш эркинлигини чеклаш каби тўсиқларни келтириб чиқаради”⁴⁰ дейди. Бу ишда жавобгар давлат режимга олишни тасдиқлайдиган асосни тақдим этмади.
- Таҳририят кенгашининг “қўламини ва мақсадлари” ёки таҳририят кенгаши ҳақида турли ахборотларни нима учун тақдим этиш кераклиги ҳақида ўйлаймиз. Оммавий ахборот воситасининг рўйхатга олиш учун “қўламини ва мақсадини” кўрсатиш талаби ушбу ҳужжатнинг мазмунидан келиб чиқиб уни рўйхатга олиш ёки рўйхатга олишни рад этиш имкониятини беришда дискриминация қилиш ҳуқуқини беради. Ҳокимият томонидан (Вазирлар Маҳкамаси) белгиланган жараёнда режимни номаълум рўйхатга олиш органи бошқариши ҳақиқатан ҳам бу борада жиддий хавотир уйғотади.
- Биз рўйхатга олиш учун ариза беришдан бош тортиш эҳтимоли ҳақида ташвишдамиз. Халқаро қонунларга кўра, техник жиҳатдан батафсил рўйхатдан ўтказиш талаблари қуйидаги шартларга жавоб берса, сўз эркинлигини бузмаслиги мумкин:
 - Керакли маълумотларни тақдим этгандан сўнг рўйхатга олишдан бош тортиш ҳуқуқига эга эмас;
 - Тизим босма нашрларда моддий шартларни қўймайди;
 - Тизим ҳаддан ортиқ оғир эмас; ва
 - Тизим ҳукуматдан мустақил бўлган орган томонидан бошқарилади.⁴¹

³⁸ Фикр ва Сўз Эркинлиги Ҳуқуқини Тарғиб ва Ҳимоя қилиш бўйича БМТнинг Махсус Маърузачиси Франк Ла Рье, А / ҲРС / 17/27 маърузаси, 16 май, 2011, 27-боб.

³⁹ Инсон Ҳуқуқлари бўйича Қўмита, Laptsevich vs Belarus, Comm. No. 780/1997, 20 март 2000 й.

⁴⁰ *Ibid*, 8.1-банд

⁴¹ 2003 йил, Қўшма декларация, *op.cit*.

22 ва 23-моддаларнинг қоидалари ушбу мезонларга жавоб бермайди.

- Рўйхатга олишни бекор қилиш, тугатиш ёки тўхтатиб туриш тўғрисидаги қоидалари ҳам сўз эркинлиги халқаро стандартларига мос келмайди. Энг муҳими, Оммавий Ахборот Воситалари тўғрисидаги Қонун давлат томонидан суд текширувисиз рўйхатдан ўтишни тўхтатиши ёки тўхтатиб туриш мумкин бўлган механизми назарда тутмайди. Шу билан бирга, Оммавий Ахборот Воситалари тўғрисидаги Қонунда белгиланган мустақил оммавий ахборот воситаларини рўйхатдан ўтишни тўхтатиш ёки тугатиш тартиби уларни сукут сақлаш учун суистеъмол қилиниши ва ноқонуний ишлатилиши учун имконият беради. Биз оммавий ахборот воситаларининг ёпилиши ҳеч қачон қонуний равишда босма нашрга татбиқ этилиши мумкин бўлмаган чора деб ҳисоблаймиз (фақат эфирга узатишни янада қатъий тартибга солиш мумкин). Тўхтатиб қўйиш - оммавий ахборот воситаларида қўлланилиши мумкин бўлган энг жиддий жазодир, тўлиқ тақиқлаш иккинчиси. Хабарларнинг ўз вақтида берилиши кераклигини ҳисобга олган ҳолда, ҳатто қисқа муддатли тўхтатиб туриш ҳам оммавий ахборот воситаларининг фаолиятига ва ишончига жиддий таъсир кўрсатади. Article 19 матбуот воситалари ҳеч қачон тўхтатилмаслиги керак деб ҳисоблайди.⁴²

Шунинг учун, ARTICLE 19 босма оммавий ахборот воситалари ва интернетга асосланган оммавий ахборот воситалари (шу жумладан, веб-сайтлар) рўйхатдан ўтиши талаб қилинмаслигини маслаҳат беради. Инсон Ҳуқуқлари бўйича Қўмита таъкидлаганидек: “Ҳар бир инсоннинг сўз эркинлиги ҳуқуқига аралашадиган оммавий ахборот воситалари устидан бундай назоратни олдини олиш учун самарали чоралар кўриш зарур.”⁴³

Тавсиялар:

- Оммавий Ахборот Воситалари тўғрисидаги Қонуннинг 3-боби олиб ташланиши керак.

Таркибни тақсимлаш

Оммавий Ахборот Воситалари тўғрисидаги Қонуннинг 4-бобида оммавий ахборот воситаларинининг маҳсулотини, шу жумладан веб-сайтлар орқали ҳам, тарқатиш тўғрисида (25-27¹-моддалар), шунингдек дастлабки ва қонуний нусхалар тўғрисидаги қоидалари (29-модда) киритилган. Бу қонун, Вазирлар

⁴² Масалан, масалан. Европа суди, *The Observer and Guardian vs the UK*, App. No. 13585/88, ноябр 1991 йил.

⁴³ Инсон Ҳуқуқлари Қўмитасининг Ҳисоботида 10 (1) Умумий Шарҳ (1983) 38 GAOR, Supp. No. 40, UN Doc. A/38/40.

Маҳкамаси босма нашрларнинг қонуний нусхаларини тарқатадиган агентликлар ва муассасалар рўйхатини ишлаб чиқишни назарда тутди. 31-модда хорижий оммавий ахборот воситаларининг оммавий ахборот воситаларини тарқатиш шартларини белгилайди.

19-модданинг мазмуни, оммавий ахборот мазмуни қандай тарқатиш кераклигини ёки демократик жамиятда нусхаларини олиш учун шартларни белгилаш шарт эмас. Таъкидлаш жоизки, нашрларни жойлаштириш талаби, одатда, архив манфаатларига мос келиши мумкин бўлган кутубхоналар яратиш билан боғлиқ. Муҳим маъмурий юк билан бир қаторда бундай талабни сензура воситаси сифатида ишлатиш хавфи мавжуд. Бу ташвиш айниқса, бу ҳолатда маълум, чунки Вазирлар Маҳкамаси қайси органларнинг қонуний нусхаларини олиши кераклигини белгилашда қандай мақсад кўриши аниқ эмас. Агар маълум архивларни яратиш зарурияти туғилса, босма нашрларнинг бепул нусхалари фақатгина Миллий кутубхонага миллий маданий меросни ҳимоя қилиш масъулияти билан юборилиши мумкин. Бу бутун дунё бўйлаб стандарт амалиётдир.

Тавсиялар:

- 25-29 моддалар ва 31-модда бекор қилиниши керак.

Бозор монополиясини тақиқлаш

Оммавий Ахборот Воситалари тўғрисидаги Қонуннинг 30-моддаси (2018 йил апрелдаги ўзгартиришларсиз) «оммавий ахборот воситалари бозорини монополизация қилиш» ни тақиқлайди. У муайян юридик шахслар ҳам, хусусий шахслар ҳам таъсисчи (биргаликда асос солувчи) бўлиш ва/ёки марказий ёки маҳаллий оммавий ахборот воситалари бозорида тарқатиладиган оммавий ахборот воситаларининг 25 фоизидан ортиғига эгаллик қилиш, фойдаланиш, тасарруф этиш ёки бошқаришни (тўғридан-тўғри ёки филиаллар орқали) амалга ошириш ҳуқуқига эга эмаслигини белгилайди.

ARTICLE 19 оммавий ахборот воситаларининг плуралиزمи ва хилма-хиллиги сўз эркинлиги ҳуқуқининг асосий элементлари бўлишини таъкидлайди. Давлатлар плурализм ва хилма-хилликка таҳдид соладиган мулкни ҳаддан ортиқ концентрациялашнинг олдини олиш учун ижобий чоралар кўришлари шарт.⁴⁴ Бундай ижобий чора-тадбирлар орасида оммавий ахборот воситаларининг ортиқча концентрациясини ёки уларни горизонтал ва вертикал ҳолда эгаллигига йўл қўядиган қоидалари ва “барча даражаларда оммавий ахборот

⁴⁴ Қаранг масалан. Инсон Ҳуқуқлари бўйича Қўмитаси, Умумий Шарҳ #10: Сўз эркинлиги (Article 19), 29 июн 1983, 2-б.

воситаларининг эгалиги учун қатъий шаффофлик талаблари” ни киритиши керак.⁴⁵ Европа Кенгаши томонидан ишлаб чиқилган бошқа қиёсий стандартлар мавжуд, ва улар «қоидалар, ўзлари қўлланилиши керак бўлган, миллий, минтақавий ёки маҳаллий медиа ва/ёки матнли медиа бозорининг ўлчамлари ва ўзига хос хусусиятларига мослаштирилиши керак» деб талаб қилади.⁴⁶ Шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг шаффофлиги бўйича бир қатор махсус қоидаларни белгилаб беради ва оммавий ахборот воситаларида мавжуд бўлиши керак бўлган бешта асосий тоифани, жумладан, оммавий ахборот воситаларига таъсир қиладиган ва / ёки ушбу оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлайдиган ва улардан фойда ва хар қандай кўмак кўрадиган одамлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олади. Бу шунингдек, “аудитория улуши, айланма маблағлар ёки даромадлар, акциядорлик капитали ёки овоз бериш ҳуқуқи” каби объектив мезонларга асосланади.⁴⁷

Article 19, 30-модда қоидалари плюрализмни кенг кўламда тарғиб қилишга ёрдам бермайди деб ҳисоблайди. Масалан, Оммавий Ахборот Воситалар тўғрисидаги Қонунда таркибининг хилма-хиллигини рағбатлантириш ёки давлат хизматлари таркибини тарғиб қилиш билан боғлиқ ҳеч қандай қоидалар мавжуд эмас. Шунингдек, у турли мулкдорлар, ҳам хусусий, ҳам давлат томонидан тақдим этиладиган етарли миқдордаги оммавий ахборот воситаларининг мавжудлигини таъминлашга интирмайди.

Гарчи 30-модда оммавий ахборот воситаларининг 25 фоиздан кўпроғини битта эга томонидан тўлланишига тўсқинлик қилмоқчи бўлса-да, бу жуда аниқ ифодаланмаган. “Марказий ёки маҳаллий оммавий ахборот воситаларида тарқатиладиган оммавий ахборот воситаларининг 25 фоиздан кўпроғини эгаллаш, ундан фойдаланиш, тасарруф этиш ёки бекор қилиш” таъсисчи (ёки унинг ҳаммуаллифи) “назорат қилувчи ҳокимият” атамаси билан алмаштирилиши керак. Мавжуд қоидаларни босма саноат ва ахборот воситаларида биргаликдаги мулкчилик қоидалари билан алмаштириш фойдали бўлиши мумкин; Масалан, эфирга узатувчи компаниянинг назорат пакетига эга бўлган хусусий компания бир хил эшиттириш соҳасида маълум миқдорда капиталга эга бўлиши мумкин эмаслигини назарда тутати. Босма оммавий ахборот воситаларидаги назорат улушига эга бўлган хусусий компания шунга ўхшаш бозорда телвидения капиталининг айна фоиздан кўп бўлмаслиги мумкин.

⁴⁵ Сўз эркинлигини ҳимоя қилиш бўйича Махсус Халқаро Мандатларни эфирга узатиш бўйича хилма-хиллик тўғрисидаги 2007 йил Кўшма Декларация.

⁴⁶ 2007 (2) йил 31 январ, Европа Кенгаши Вазирлар Қўмитасининг “ оммавий ахборот воситалар плюрализи ва оммавий ахборот воситалари хилма-хиллиги тўғрисида” ги Тавсияси.

⁴⁷ *Ibid.*

Бундан ташқари, қонунчиликда горизонтал интеграция феномени бир хил соҳа фаолиятига бирлашиш сифатида тушунилади, бу манода моно-медиа ва мулти-медиа концентрацияси, ҳамда вертикал интеграция феномени яъни рекламани, телекоммуникация сингари ишлаб чиқаришни, тарқатиш ва шунга ўхшаш фаолиятнинг асосий элементларини бир шахс, компания ёки гуруҳ томонидан назорат қилиниши.

Тавсиялар:

- Оммавий Ахборот Воситалари тўғрисидаги Қонуннинг оммавий ахборот воситаларининг концентрацияси қоидалари ушбу соҳада мавжуд бўлган халқаро ва минтақавий стандартларни инобатга олган ҳолда диққат билан ўрганиб чиқилиши ва кенгайтирилиши керак.

Давлат ва бошқа органлар билан ўзаро муносабатлар

Манбаларнинг махфийлиги

33-модда (2018 йилги апрелдаги ўзгаришларсиз) манбаларнинг махфийлигини ҳимоя қилади. Муҳарририят кенгашлари “номини ошкор қилмаслик шарти билан малумотни тақдим этган ахборот манбаларининг номини, шунингдек маълумот, факт, далиллар ёки исботларни ҳамда ёзма рухсатсиз, ўз материалларини таҳаллус билан имзолаётган муаллифнинг исмини ошкор қилиш ҳуқуқига эга эмаслигини таъкидлайди ва “сўровга биноан судда ахборот манбаларини ёки муаллифларни таҳаллуслар ёрдамида тақдим этиши мумкин”.

ARTICLE 19 журналистик манбаларнинг махфийлигини ҳимоя қилиш, бошқа қонунларда ҳам, “Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги қонунларда⁴⁸ ҳам тан олинган ва бу ҳуқуқни “профессионал журналистлар” га нисбатан бошқача тарзда кафолатлайди.

ARTICLE 19 ушбу ҳуқуқнинг ҳар иккала қонунга мувофиқлигини маъқуллайди. Манбаларнинг махфийлиги ҳуқуқи халқаро ва қиёсий миллий қонунчиликда сўз эркинлиги ҳуқуқининг ажралмас ҳуқуқи сифатида эътироф этилади. Ушбу ҳуқуқни тўғридан-тўғри расмий эътироф этиш унинг аҳамиятини таъкидлайди. Шу билан бирга, 33-модда қоидаларига нисбатан қуйидаги тавсияларни берамиз⁴⁹:

⁴⁸ «Журналистик Фаолиятини Ҳимоя Қилиш тўғрисида» ги Қонун, 1997 йил 24 апрел, № 402-И, 2018 йил апрелида ўзгаришлар киритилган.

⁴⁹ *C.f.* Article 19, Журналистик Фаолиятини Ҳимоя Қилиш тўғрисидаги Қонунни таҳлил қилиш, 2018 йил ноябр.

-
- Ушбу қоидалар махфийлик манбаларини ҳимоя қилиш журналистлар ҳуқуқи эканлигини ва ахборотни ошкор қилмасликнинг қонуний мажбуриятини келтириб чиқарадиган аъъанавий тасаввурини ўзгартиради. Ушбу савол халқаро суд томонидан ҳеч қачон кўриб чиқилмаган бўлса-да, манбаларнинг махфийлигини оммавий ахборот воситаларининг “таҳририяти кенгашлари” га мажбурият сифатида юклаш юзасидан жиддий муаммолар мавжуд.
 - Манбаларни ҳимоя қилиш фақатгина “муҳарририят” ёки “профессионал журналистлар” билан чегараланиб қолмаслиги муҳимдир. Шунинг тақрорлаймизки, ушбу ҳуқуқ ФСХҲПнинг 19-моддасида кўрсатилган умумий сўз эркинлиги ҳуқуқидан келиб чиқади, бу ҳуқуқ ҳар кимга тегишли. Бунинг тушуниш керакки, бу сўз эркинлиги ҳуқуқини кенгроқ аудитория, шу жумладан, инсон ҳуқуқи ҳимоячилари ва мисол учун нодавлат ташкилотлари учун нашр қилиш учун ишлатадиган барча шахсларга нисбатан қўлланилади. Шунинг таъкидлаш керакки, бу “журналистлар билан профессионал муносабатлар орқали маълумотни тўплаш, таҳрир қилиш ёки тарқатиш орқали манбани идентификация қиладиган малумотга эга бўлган бошқа шахсларга” ҳам қўлланилиши керак.⁵⁰ Бошқача қилиб айтганда, манба шахсини яшириш ҳуқуқи нафақат “воситачиларга”, балки улар билан ҳамкорлик қиладиган бошқаларга ҳам тегишлидир. Ушбу қоида мақсади “воситачиларни” четга суриб, манба муҳофазасини четлаб ўтишни олдини олишдир.
 - “Сўровга биноан таҳририят кенгаши судда ахборот манбаларини ёки муаллифларни таҳаллуслар ёрдамида тақдим этиши мумкин” деб қайд этилгани нимани англатиши аниқ эмас. Манбаларнинг махфийлигини сақлаш ҳуқуқи аниқланмаган ҳуқуқий жараёнда бузилган бўлиши мумкиндек кўринади. ARTICLE 19 ушбу қоидаларнинг ноаниқлиги тўғрисида хавотирда. Биз халқаро ва минтақавий инсон ҳуқуқлари стандартлар⁵¹ ва таққословчи миллий қонунларга⁵²

⁵⁰ 8 март 2000 йилда қабул қилинган Европа Кенгаши Вазирлар Кўмитаси аъзо давлатларга журналистларнинг ахборот манбаларини ошкор қилмаслик ҳуқуқи тўғрисидаги Р (2000) 7-сонли Тавсияси.

⁵¹ Қўшимча маълумот олиш учун, масалан, Article 19, Журналистлар манбаларини ва хабардорларини ҳимоя қилиш бўйича Махсус Маърузачининг Маслаҳатчиларига Жавоби, 2015 йил июл ойи; 2008 йил 15 декабрда Махсус Мандатларнинг 2008 йилги Қўшма Декларацияси; Вазирлар кўмитасининг Р (2000) 7-сонли Тавсияси, *op. cit.*

⁵² Миллий миқёсда дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатлари ўз манбаларини ҳимоя қилиш учун журналистларга муайян қонуний ҳуқуқлар берди. Қаранг. Манбаларни муҳофаза қилиш бўйича кенг қамровли халқаро тадқиқотлар, Privacy International, Silencing Sources: Журналистларни ҳимоя қилиш ва таҳдидларнинг халқаро текшируви, 2007 йил; Article 19, Эд Молоней ва Энтони McИнтире ишида қисқа *amicus*, *Petitioners, vs United States*, 19 декабрь 2012 г.

мувофиқ, ҳимояланган ахборотни олиш учун барча талабларни жиддий жиной ишлар қаторида қатъий чеклаш кераклигини таъкидладик. Ахборот олиш учун сўров фақат мустақил судьялар томонидан очиқ сессияда тасдиқланиши ва адолатли суд органига шикоят қилиниши мумкин. Айни пайтда, ахборотни ошкор этиш фақатгина агар ҳукумат қуйидаги мезонларга риоя қилганлигини исботлайдиган бўлса амалга оширилишига рухсат берилади:

- Жиддий шикастланишнинг олдини олиш ёки бирон бир тарафнинг айбсизлигини исботлаш учун маълумот зарур бўлса. Терговни олиб бориш ҳеч қачон ахборотни фақат журналистга ошкор қилиш дегани эмасдир.
- Ахборот ишда айбдорлик ёки айбсизлик билан боғлиқ бўлган асосий масала учун мутлақо зарурдир ва бундай ахборот сўралиши имконияти доираси чекланган;
- Ахборотни бошқа усуллар билан олиш имкони йўқ, ахборотни қаерда олиш тегишли идоралар томонидан синаб кўрилган ва улар ахборот олишнинг бошқа барча усуллари сарфлаганлигини исботлашлари керак;
- Сўров ишнинг асосий иштирокчилари томонидан амалга оширилганда - бу бевосита қонуний манфаатдор бўлган жисмоний ёки юридик шахс; ва
- Судья, манбанинг ошкор этилиши жамоатчиликнинг ахборотнинг эркин айланишига қизиқиши анча устунлик қилишини топса.⁵³

Шуни қайд қилиш жоизки, оммавий ахбарот воситалари, идоралар ёки журналистларнинг уйида қидирув манбаларни ҳимоя қилиш қоидаларини четлаб ўтиш учун фойдаланилмаслиги керак. Бундай изланишлар бекор ҳисобланади.⁵⁴

Тавсиялар:

- Манбаларнинг конфиденциаллигини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қоида мажбурият эмас, балки ҳуқуқ сифатида эътироф этилиши керак;

⁵³ Article 19нинг БМТнинг Махсус Маърузачисига Тақдими, *op.cit.*

⁵⁴ *Ibid.*

-
- Ҳуқуқ мунтазам равишда профессионал ёки мунтазам ахборотни тарқатишда иштирок этадиган ҳар бир кишига нисбатан қўлланилиши керак;
 - Оммавий Ахборот Воситалари тўғрисидаги Қонун манбаларнинг махфийлигига чеклашлар халқаро сўз эркинлиги стандартларига мос келишини таъминлаши керак.

Рад этиш ва жавоб бериш ҳуқуқи

Оммавий Ахборот Воситалари тўғрисидаги Қонуннинг 34-моддаси (2018 йилги апрелдаги ўзгартиришларсиз) рад этиш ва жавоб бериш ҳуқуқини беради, хусусан, юридик ва жисмоний шахслар:

- Муҳаррирлар кенгашидан, ўзларининг шаъни, қадр-қимматига ёки тадбиркорлик обрўсига путр етказётган маълумотни оммавий ахборот воситаларида нашр этилишини рад этишни талаб қилиш ҳуқуқига эга;
- Ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган тақдирда ўша оммавий ахборот воситаларида рад этиш ёки жавоб бериш ҳуқуқига;
- Оммавий ахборот воситасининг рад этиш ёки жавоб беришдан бош тортганлиги ёки уни нашр этиш учун белгиланган муддатларга риоя қилмаслик ҳолатларида ҳуқуқий чоралар кўриш ҳуқуқи.

34-модда шунингдек, рад этиш ёки жавоб бериш уларга тегишли материал нашр этилган саҳифадаги махсус устунда бир ой ичида эълон қилиниши керак (ёки даврий нашрлар бўйича навбатдаги сонда) ёки эфирга узатилган тақдирда, “айни дастурда ёки кўрсатувлар сериясида улар қабул қилингандан кейин бир ой ичида эфирга узатилади” деб таъкидланган. Рад этиш ёки жавоб беришнинг матни фақат “сўровни рад этиш ёки жавоб беришнинг сўзлар сони ва давомийлиги оммавий ахборот воситаларининг фаолиятига зиён етказиши мумкин бўлган тақдирда” сўров эгасининг розилиги билан таҳрир қилиниши мумкин.

Бошиданоқ Article 19, жавоб бериш ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар оммавий ахборот воситалари қонунчилигининг ўта зиддиятли соҳалар эканлиги таъкидланган, чунки бу ҳуқуқ сўз эркинлигини ҳимоя қилишнинг аралашувидир.. Баъзилар, буни нотўғри ёки чалкаштирадиган маълумотлар эълон қилиш орқали шахсий ҳуқуқлари (масалан, обрў ёки шахсий ҳаётга бўлган ҳуқуқ) бузилган жисмоний шахслар учун қиммат суд жараёнларига қарши арзон, кам даромадли муқобил альтернатива деб ҳисоблайди; бошқалар эса уларни таҳририят мустақиллигига йўл қўйиб бўлмайдиган аралашуви деб ҳисоблашади.

ARTICLE 19 ва БМТнинг Сўз эркинлиги масалалари бўйича Махсус маърузачиси каби бошқа органлар жавоб бериш ҳуқуқини ихтиёрий равишда амалга оширишни

бир неча бор таклиф қилдилар. Шу боис, принципаал равишда ушбу масалаларни Оммавий Ахборот Воситалари тўғрисидаги Қонун билан тартибга солишни тавсия қилмаймиз, лекин ўз-ўзини бошқариш механизмлари билан ҳал қилиниши керак.

Article 19, 34-модданинг қўлланилиши тўғрисида қуйидаги изоҳлар беради:

- Рад этиш ва жавоб бериш ҳуқуқи ўртасидаги фарқ нимада эканлиги аниқ эмас. “Рад этиш” ҳуқуқининг доираси номаълум. Шунини таъкидлаш керакки, қиёсий, минтақавий стандартларга мувофиқ, ушбу икки ҳуқуқ қуйидаги тарзда ажратилиши керак:
 - Тузатиш ҳуқуқи (“рад этиш” эмас) илгари эълон қилинган нотўғри маълумотни кўрсатиб, нашрнинг ўзи нотўғри маълумотларини тўғрилаш мажбурияти билан чекланиши керак;
 - Бошқа томондан, жавоб бериш ҳуқуқининг мақсади, шахснинг жавобини оммавий ахборот воситаларида тарқатиш ҳуқуқини бериш, агар нотўғри ёки чалғитувчи далилларни чоп этиш ушбу шахснинг тан олинган ҳуқуқини бузган бўлса ва тузатилиш нотўғри маълумотни тузатишга олиб келиши кутилмаса.⁵⁵

Бу ҳуқуқлар тегишли равишда фарқ қилиниши керак.

- 34-моддада жисмоний ва юридик шахслар “уларнинг шаъни ва қадр-қиммати, тадбиркорлик обрўсига путур етказган сохта маълумот” ни “рад этиш”ни талаб қилиши мумкин бўлса-да, баёнотнинг ёлғонлигини ким исботлаши кераклиги ҳақида ҳеч қандай кўрсатма берилмайди; Ўзбекистон Фуқаролик процессуал кодексида фуқаролик ишларида исботлашнинг юки даъвогарга тегишли деб белгиланади. Шунини такрорлаймизки, бундай юк ҳар доим ҳам даъвогарга тегишли бўлиши керак, чунки акс холда, ҳар ким оммавий ахборот воситаларининг баёнотларини тўғрилигини судда исботлашга мажбурлаб, раддия билдириш учун даъво қилади. Бу, масалан, агар даврий нашрлар ахборот манбалари махфийлигига асосланган бўлса, қийин бўлиши мумкин. Шу сабабга кўра, даъвогар тузатиш киритишга асосли сабаби борлигини исботлаши керак;
- 34-модда оммавий ахборот воситаларига жавоб ёки раддия билдиришга рухсат бермайди. Ушбу хатоликни тузатиш керак. Қоидалар жамоатчилик манфаатларини илгари суришда очиқ мунозараларнинг муҳим аҳамиятини

⁵⁵ Қаранг: Article 19, Сўз Эркинлиги ва Тенг Ҳуқуқлиги бўйича Самден Тамойиллари, 2009 йил, 7-тамойил.

бутунлай эътибордан четда қолдиради. Ушбу соҳадаги халқаро ва қиёсий стандартлар муайян қонуний ижтимоий манфаатлар махфийлик ҳуқуқи ва обрўга ҳуқуқни рад этишини тан олади. Агар аризанинг нашр этилиши омманинг қонуний манфаатларини оқлаш учун бўлса жавоб берилмайди. Фактлар бўйича нотўғри тушунтиришларни тузатиш талаби бир нарсадир. Бунинг ортидан, танқидий хабарга ёки масала бўйича етарли даражада чуқур ҳисобланмаган хабарга жавоб бериш бу бошқа нарсадир. Бу эса совутиш таъсирини беради, чунки муҳаррирлар тўғрилаш / жавобларни нашр этишни талаб қиладиган материалларни нашр қилишни истамайди ва шунинг учун бу соҳадаги мажбуриятларга зид равишда ахборотнинг эркин оқимига путур еткази. Агар аризанинг нашр этилиши омманинг қонуний манфаатларини оқлаш учун бўлса жавоб берилмайди. Бундан ташқари, агар даврий нашр ўзи зарарни бартараф этадиган тузатишни эълон қилса, тузатиш ёки жавоб бериш талабини рад этиш имконияти ҳам бўлиши керак.

Тавсиялар:

- Жавоб бериш ва тузатиш ҳуқуқи, Оммавий Ахборот Воситалари тўғрисидаги қонун билан эмас, балки ўз-ўзини бошқариш механизмлари томонидан бошқарилиши керак. Шу билан бир қаторда, “тузатиш” ни нашр қилишни рад этиш учун ҳуқуқий чоралар ва ҳуқуққа оид қоидалар аниқланиши керак;
- Жавоб бериш ва тузатиш ҳуқуқларини ажратиш ва чеклаш керак. Хусусан, агар аризанинг нашр этилиши омманинг қонуний манфаатларини оқлаш учун бўлса, жавоб берилмайди.

Мажбурий қоидалар

35-моддада (2018 йил Апрельдаги ўзгаришларсиз) “куйидаги шартлар бажарилиши” назарда тутилган, яъни давлат ва маъмурий органлар томонидан ташкил килинган оммавий ахборот воситалари шу ваколатли органларнинг расмий хабарларни нашр этиши/тарқатиши шарт. Буларга “расмий баённомалар ва материаллар, шунингдек, қонунчилик ва тартибга солиш”, “фавқуллодда вазиятлар ҳақида шошилиш хабарлар ёки ваколатли давлат органларининг жамоатчиликни тезкор хабар қилиш учун кўрсатмалари”, “қонуний кучга эга бўлган суд қарорлари, уларни суд мажлисининг баённомасида кўрсатилган муддат ичида бепул оммавий ахборот воситаларида чоп этиш ва бошқа ҳар қандай ахборот, тушунтиришлар ва эълонларни таҳририят томонидан тузилган шартномалар асосида амалга оширишни ўз ичига олади.

ARTICLE 19 ушбу қоидаларни кенглигидан жуда хавотирда. Шуни таъкидлаш жоизки, баъзи давлатлар кабел, сунъий йўлдош ва шунга ўхшаш аудиовизуал

хизмат кўрсатиш операторларига мажбурий талаблар қўядилар.⁵⁶ Бунга мувофиқ, улар мамлакатда ёки тегишли ҳудудда эфирга узатишга лицензияланган бир неча ёки ҳамма станцияларни тутиб туришлари шарт. Улар мамлакат ёки минтақада эфирга узатиш учун лицензияга эга бўлган бир неча ёки бутун ерусти станцияларни олиб ўтишлари керак. Шунга қарамасдан, мажбурий талабларни танқид қилувчилар кабел ва сунъий йўлдош телекомпанияси операторларининг “таҳририят эркинлигига” халақит беришини даъво қилиб келишмоқда, бошқаларни ўз иродасига қарши ишлатишларини талаб қилиш орқали. Тарафдорлар айтишича, амалда кўп мамлакатларда эркин бозор орқали оммавий ахборот воситаларининг хилма-хиллигига эришмайди; Агар турли хил ер усти эшиттириш тизими мавжуд бўлса, уни ҳимоя қилиш ва кабелли ва сунъий йўлдош телевидение орқали кўриш керак. Махсус маърузачиларнинг қўшма декларациясида таъкидланганидек: “Қонунга қўра, оммавий ахборот воситаси президент каби баъзи сиёсатшеносларнинг хабарларини келтирмаслиги керак”.⁵⁷

ARTICLE 19 давлат органлари фаолияти ва уларнинг жамоат фаолиятига оид материаллар каби муайян ахборотни узатиш учун муайян жамоат ахборот механизмлари талаб қилиниши мумкинлигини тан олади; масалан, парламент мажлисларини ёритиш учун махсус яратилган жамоат телеканали. Аммо барча оммавий ахборот воситаларининг давлат органларининг ҳамма расмий материаллари ва баёнотларини нашр этишларини талаб қилиш, аслида бу органлар учун пропаганда функцияларини бажаришни ва барча оммавий ахборот воситаларининг мустақиллиги бўлмаган ҳолда ҳукуматнинг рупори сифатида ҳаракат қилишини талаб қилиш, бу бошқа нарса.

Суд қарорларини нашр этиш мажбуриятига келсак, суднинг маълум оммавий ахборот воситаларида қарор чиқаришини, масалан, ушбу оммавий ахборот воситалари томонидан эълон қилинган тўхмат хулосасига қарши воситанинг бир қисми сифатида, суд қарорига мувофиқ бўлиши мумкин бўлган жуда тор вазиятлар бўлиши мумкин. Ушбу ваколат, қонунийлиги асосланган бўлганда, қонун бузилган ҳолда судларнинг қонуний ҳимоя воситаларини тайинлаш умумий ваколатига кириши керак. Бундай қонундан Оммавий Ахборот Воситалари тўғрисида Қонунга киритиш мақсадга мувофиқ эмас.

⁵⁶ Мажбурий талаблар қўйиладиган мамлакат мисоли - Америка Қўшма Штатлари; Кабел телевидениеси бўйича 1992 йил истеъмолчиларни ҳимоя қилиш ва рақобат тўғрисидаги қонунга мувофиқ, кабел операторлари маҳаллий ёки миллий ерости станцияларини ўтказиш имкониятларининг учдан бир қисмини таъминлашлари керак. Бир қатор кабел телевидениеси компаниялар Олий судда қонунни бузганликда айбланиб, сўз эркинлиги ҳуқуқини бузганликда айблаган. 5-4-рақамли тор ажримда, суд ушбу ҳаракатни Конституциявий деб топди. Қаранг *Turner Broadcasting v. FCC*, 512 U.S. 622 (1994).

⁵⁷ 2003 йилги Қўшма Ваёноти, *op.cit.*

Тавсиялар:

- 35-модда бекор қилиниши керак.

Ахборот олиш ҳуқуқи

Оммавий Ахборот Воситалари тўғрисидаги Қонуннинг 35¹-моддаси (2018 йилги апрелга ўзгартиришлар киритилган) оммавий ахборот воситаларининг жамоатчилик ва маъмурий органлардан ўз фаолияти тўғрисидаги маълумотларни тақдим этишни сўраб, шунингдек давлат вакиллари билан интервьюлар талаб қилиш ҳуқуқига эга. Рад этиш ҳолатларида давлат органлари рад қилиш учун асослар беришлари шарт.

ARTICLE 19 журналистларнинг ахборот олиш ҳуқуқига доир қўшимча қоидалар алоҳида, “Журналистик Фаолиятини Ҳимоя Қилиш тўғрисидаги” ги қонунда бироз фарқли жиҳатларда ҳам берилган.

Яна бир бор такрорлаймизки, давлат ўз фикрини ифода этиш ҳуқуқининг ажралмас қисми сифатида тан олинган ахборот ҳуқуқини таъминлашни исташи табиийдир. Шу билан бирга, шуни таъкидлаймизки:

- Ахборотга бўлган ҳуқуқ нафақат оммавий ахборот воситаларига, балки ҳар кимга кафолатланган бўлиши керак. Оммавий Ахборот Воситалари тўғрисидаги Қонунда ахборотга бўлган ҳуқуқ ҳар қандай тарзда кенг жамоатчиликнинг ахборот олиш ҳуқуқини ҳимоя қилишдан фарқ қиладими-йўқлигини кўрсатмайди. Шу билан бирга, оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик вакилларининг ахборот олиш ҳуқуқи эгалари сифатидаги ҳар қандай фарқ асосланиб берилмаган.
- Ахборотни беришдан бош тортиш даражаси чекланган бўлиши керак. 35¹-модда фақат давлат органлари рад этишни оддийгина “асослаб бериш” кераклигини таъкидлайди. Шуни таъкидлаш жоизки, халқаро стандартларга мувофиқ, давлат органлари ахборотни фақат уч қисмли қатъий синов билан рухсат этилган чекланган истиснолардан иборат эканлигини кўрсатиши мумкин бўлган маълумотни беришдан воз кечиши мумкин:
 - ахборот қонун ҳужжатларида белгиланган қонуний мақсадга қаратилган;
 - ошкор қилиш ушбу мақсадга жиддий зарар етказиш билан таҳдид қилади; ва
 - бу мақсадга зарар етказиш ахборот олишда жамоатчилик манфаатларидан устинроқдир.⁵⁸

35¹-модда ушбу талабларнинг истиснолардан иборат уч қисмли синовига мос келмайди.

⁵⁸ Article 19, дастлаб 1999 йилда ишлаб чиқилган ва 2015 йилда янгиланган, 4-Тамойилга қаранг. 2004 йил, 6 декабр, “Махсус Мандатларнинг Қўшма Декларацияси”.

Тавсиялар:

- Ўзбекистон ахборот қонунчилигининг кенг қамровли эркинлигини қабул қилиши керак. Шу билан бир қаторда, Оммавий Ахборот Воситалари тўғрисидаги Қонунга ҳар бир киши ахборот олиш ҳуқуқига эгаллиги тўғрисида ўзгартиришлар киритилиш керак. Ахборотдан фойдаланиш бўйича чеклашлар халқаро стандартларга мувофиқ бўлиши керак.

Бошқа чекловлар

Охирги бўлим, 6-боб (2018 йилнинг апрелигача ўзгаришсиз қолган, 40-моддадан ташқари), оммавий ахборот воситаларининг айрим жиҳатларини янада тартибга солишни назарда тутди. Буларга “ахборот агентликлари” ва уларнинг ҳуқуқий мақоми, халқаро оммавий ахборот воситалари ҳамкорлиги тўғрисидаги қоидалар, оммавий ахборот воситалари ва хорижий оммавий ахборот воситаларини аккредитация қилиш бўйича кенг қамровли қоидалар ва “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида” ги қонунни бузганлик учун “жавобгарлик” киради.

Шуни таъкидлаш жоизки, ушбу қоидаларнинг баъзилари бошқа қонунчилик ҳужжатларида ҳам кўриб чиқилган (масалан, аккредитация тўғрисидаги қоидалар Журналистик Фаолиятини Ҳимоя Қилиш тўғрисидаги Қонунда ва Хорижий оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги ўта муаммоли Фармонда⁵⁹ (2018 йил мартда ўзгартириш киритилган⁶⁰) батафсил санаб ўтилган) ва бу қоидалар қандай даражада бир-бирига мос келишини ёки турли қонунлар ўртасидаги зиддият юзага келган тақдирда қандай талқин қилиниши кераклиги аниқ эмас.

Article 19, бу иккиламчиликни бартараф этишни таклиф қилади, лекин 6-бобда келтирилган айрим масалалар биринчи навбатда қонун қоидалари билан тартибга солинамаслигини таъкидлаймиз. Хусусан, қуйидагиларни таъкидлашни истаймиз:

- Халқаро қонунларга мувофиқ барча аккредитация талаблари мавжуд макон ва ҳодисалар асосида зарур бўлиши керак. Аккредитация ҳеч қачон давлат ташкилотларини қамраб олиш учун рухсатнома сифатида фойдаланилмаслиги керак. Шу билан бирга, Оммавий Ахборот Воситалари тўғрисидаги Қонуннинг қоидалари ўзбошимчалик билан аккредитациядан воз кечиш ва аккредитация ахборотни мунтазам равишда тарқатиб турадиган ҳар бир кишига очик бўлишига кафолат бериши керак.
- Оммавий ахборот воситаларини бошқариш қонунчилигини бузиш қоидалари

⁵⁹ Хорижий Матбуотни Тартибга Солиш тўғрисидаги Фармон, 2006 йил феврал, рус тилида <https://bit.ly/2NnbyMe> да мавжуд.

⁶⁰ Хорижий Матбуотни Тартибга Солиш тўғрисидаги Фармонга ўзгартиришлар, 2018 йил март, <https://bit.ly/2GDZmGg> рус тилида мавжуд.

аниқ эмас (40-модда 2018 йил апрелда ўзгартишлар билан таҳририят ва журналистларни расмий веб-сайтлардан ва бошқа манбалардан маълумотларни қайта чоп этиш жавобгарлигидан озод қилинган). Давлатнинг оммавий ахборот воситаларини ҳимоя қилиш тизимини яратиш ва ушбу соҳадаги давлат ва бошқа институтларнинг масъулиятини ошириш истаги ижобий бўлса-да, аммо бу қонунбузарликлар учун жавобгарликни қўллаш амалиёти тўғрисида далил йўқ. Шу билан бирга, бу, Ўзбекистонда ҳаммани ҳимояловчи ва фақатгина асл журналистларни ҳимоя қиладиган органи белгиламаган ҳар томонлама ва самарали қонун системаси ўрнатилганлигини англатиши мумкин. Бироқ, ушбу қоидада айтилганидек, бу фақатгина журналистларни ҳимоя қиладиган тизим эмас, балки Ўзбекистондаги ҳар кимни ҳимоялайдиган қонун ва тартибнинг тўла ва самарали тизимини қамраб олиши мумкин. Ҳақиқатан ҳам, халқаро ҳуқуққа мувофиқ, давлат сўз эркинлиги ва ҳуқуқбузарлик учун самарали воситаларни яратиш учун қулай шарт-шароитларни яратиш учун ижобий вазифани бажаради.

Тавсиялар:

- Оммавий Ахборот Воситалари тўғрисидаги Қонун аккредитация фақатгина чекланган жой туфайли барча манфаатдор журналистларнинг йиғилишга қатнаша олмаслиги ёки муайян органининг фаолиятини назорат қила олмаслиги учун кераклигини кафолатлаши керак. Аккредитация қилишнинг аниқ қоидалари каби ўзбошимчалик билан аккредитация қилишни рад этишга кафолат бериши керак. Аккредитация мустақил журналистлар касаса уюшмаси каби мустақил идора томонидан назорат қилиниши керак. Судда аккредитациядан воз кечишга шикоят қилиш ҳуқуқи бўлиши керак;
- Ўзбекистон мамлакатнинг адлия тизими тўлиқ мустақил ва мамлакатдаги барча инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун етарли ресурсга эга бўлиши керак. Улар барча қонунларни сўз эркинлиги ва инсон ҳуқуқлари учун халқаро стандартларга мос равишда шарҳлашлари керак. Бундай қоидалар ички қонунчиликнинг бир қисми бўлиши керак.

ARTICLE 19 ҳақида

ARTICLE 19 халқаро ва минтақавий даражада сўз эркинлиги ва ахборот эркинлиги учун прогрессив меъёрлар ишлаб чиқиш ва уларни миллий ҳуқуқий тизимларда жорий этишни қўллаб-қувватлайди. Ҳуқуқий дастур бир қатор халқаро ва қиёсий ҳуқуқ ва илғор амалиётлар асосида, шу жумладан тухмат тўғрисида қонунчилиги, сўз эркинлиги ва тенг ҳуқуқлилиқ, ахборотдан фойдаланиш ва эфирга узатиш тартиблари каби соҳаларида, меъёрий нашрлар чиқарган.

Ушбу нашрлар ва ARTICLE 19 умумий ҳуқуқий экспертизаси асосида ташкилот ҳар йили бир қатор ҳуқуқий таҳлилларни эълон қилади, қонуний таклифлар ва сўз эркинлиги ҳуқуқига таъсир кўрсатадиган мавжуд қонунларга шарҳлар беради. 1998 йилдан буён бутун дунё бўйлаб ижобий қонунчилик ислохотларини қўллаб-қувватлаш воситаси сифатида амалга оширилган ушбу таҳлилий иш кўпинча таклиф қилинаётган ёки мавжуд ички қонун ҳужжатларида сезиларли яхшиланишларга олиб келаяпти. Барча таҳлилларимиз <https://www.article19.org/law-and-policy/> сайтида мавжуд.

Агар сиз ушбу таҳлилни батафсил муҳокама қилмоқчи бўлсангиз ёки ARTICLE 19 қонунчилик дастурига эътиборингизни жалб қилмоқчи бўлсангиз, биз билан legal@article19.org электрон почтаси орқали боғланишингиз мумкин.

DEFENDING FREEDOM OF EXPRESSION AND INFORMATION

ARTICLE 19 Free Word Centre 60 Farringdon Road London EC1R 3GA
T +44 20 7324 2500 F +44 20 7490 0566
E info@article19.org W www.article19.org Tw [@article19org](https://twitter.com/article19org) facebook.com/article19org